БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 75 (1079)
12 АПРЕЛЬ ШАНБА 1958 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

Совет Иттифоқи Партия-Ҳукумат делегацияси Венгрияга қилган сафаридан қайтиб келди (1-бет).

ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 88 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН: В. И. Ленин музейида (1-бет).

1-Май шарафига дала ишлари суръатини кучайтирайлик! А. Калонов. Механизация ёрдамида мўл ҳосил етиштирамиз (1-бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: Саноатга партия раҳбарлигини кучайтирайлик (2-бет).

Болаларга май кийимлари (2-бет)

А. Абдураҳмонов. — Малакали бинокорлар тайёрлашга жиддий эътибор берайлик (2-бет).

М. Раҳимов. — Ишчи-ёшлар мактабларида таълим-тарбия ишларини яхшилайлик (3-бет).

С. Маҳкамов. — Сут соғувчи йигит (3-бет).

БОҒБОНЛАРГА МАСЛАҲАТ: **Х. Аминов.** — Анор ва анжир ўстиришнинг йўллари (3-бет).

Темур Расулев. — Буюк рус драматурги (4-бет).

СССР Қишлоқ хўжалик министри ва Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрининг Бирлашган Араб Республикасида бўлиши (4-бет).

КХДР ҳукуматининг баёноти (4-бет).

Майолди социалистик мусобақасини ривожлантирайлик!

Меҳнаткашларнинг халқаро ҳамкорлик куни—Биринчи Май яқинлашмоқда. Барча совет кишилари билан бир қаторда областимиз меҳнаткашлари ҳам баҳор байрамини меҳнатда янги ғалабалар билан кутиб олиш учун тайёрланмоқдалар. Биринчи Май ҳалқимизнинг сиёсий активлиги ўсган, ижодий ташаббуси, меҳнат ғайрати бениҳоя ошган бир вазиятда ўтади. Ишчилар, колхозчилар ва зиёлилар социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтариб, халқ хўжалиги ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида катта ғалабаларга эришдилар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ленинча принципларини изчиллик билан амалга ошириб келаётганликлари туфайли совет халқи социалистик экономикамизни ривожлантиришда катта ғалабаларга эришди. Саноат ва қурилишни бошқаришнинг қайта ташкил этилганлиги миллион-миллион ишчи ва хизматчиларни ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб этишга, уларнинг ижодий ташаббусларини оширишга ҳамда социалистик экономикамизнинг тез суръатлар билан ривожланишига янада кенг йўл очиб берди. Ўтган йили халқ хўжалиги ва маданий қурилиш соҳасида қўлга киритган буюк ғалабаларимиз партия ва ҳукуматимизнинг доно сиёсати тамомила тўғри эканлигини бутун дунёга яна бир марта намойиш қилди.

КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленумида қабул қилинган ва умумхалқ муҳокамасига қўйилган, СССР Олий Советининг сессиясида қонунлаштирилган «Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисида»ги қарорини бутун совет халқи яқдиллик билан маъқуллади. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг бу доно тадбири колхоз тузумини янада мустаҳкамлашда, ишлаб чиқариш резервларидан максимал фойдаланишда, кенг меҳнаткашлар оммасининг ижодий ташаббуси ва меҳнат ғайратини оширишда бениҳоя катта аҳамиятга эгадир.

Областимиз меҳнаткашлари партия ва ҳукуматимизнинг халқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган барча тадбирларини тўла маъқуллаш билан бирга уни амалга оширишда фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Саноат корхоналарида, темир йўл транспорти ва қурилиш объектларида, кўмир ҳавзалари ва руда конларида, колхоз ва совхоз далаларида майолди социалистик мусобақаси тобора қизиб бораётганлиги ҳақида хушхабарлар келмоқда.

СССР Олий Совети сессиясининг тарихий қарорларидан руҳланган областимиз саноат корхоналарининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари 1958 йилнинг биринчи квартал планини бажардилар ва пландан ташқари кўплаб маҳсулот ишлаб чиқардилар. Тошкент Совнархози саноат корхоналарининг ходимлари биринчи кварталда пландан ташқари 60 миллион сўмлик, область маҳаллий саноат бошқармаси корхоналарининг коллективлари эса 6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Тошкент ирригация машинасозлиги заводининг меҳнатсевар коллективи йил бошиданоқ фидокорона меҳнат қилиб, биринчи квартал программасини 123 процент бажарди ва пландан ташқари қарийб 2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Шунингдек, ташсельмашчилар планга қўшимча равишда 7 миллион сўмлик қишлоқ хўжалиги машиналари ва уларга запас қисмлар тайёрлаб бердилар.

Саноат, транспорт ва қурилиш объектларининг ходимлари ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, меҳнатни тўғри ташкил этиб, ҳар бир иш соатидан максимал фойдаланиш, илғор техника ва новаторларнинг бой тажрибасини кенг жорий қилиш йўли билан маҳсулотни кўплаб ишлаб чиқариш, унинг сифатини яхшилаш, таннархини камайтиришда самарали натижаларга эришмоқдалар.

Шунга қарамай, ҳали ишимизда кўпгина камчиликлар бор. Саноат корхоналарининг ходимлари асосан ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планларини бажараётган бўлсалар ҳам, маҳсулот турлари бўйича берилган топшириқни тўла ado этмаётирлар. Хатто илғор корхоналарда ҳам мавжуд ишлаб чиқариш резервлари етарли равишда ишга солинмаётир. Давлат планларини бажараолмаётган корхоналар ҳам йўқ эмас. Тошкент Совнархозига қарашли изолятор заводи, Чирчиқдаги ойна заводи, Тошкентдаги карборунд, радиодеталь заводлари ва бошқа айрим корхоналар шулар жумласиндир.

Карборунд заводи март ойи ишлаб чиқариш планини атиги 92 процент бажарди. Давлатга белгиланган қарийб 200 минг сўмлик кам маҳсулот берди. Бунинг асосий сабаби шундаки, корхона маъмурияти ва партия ташкилоти зарур хомашёнинг ўз вақтида етказиб берилишига эриша олмаётирлар. Ишлаб чиқаришда илғор технологияни кенг қўлланиш, рационализатор ва ихтирочилардан тушаётган қимматли таклифларни пухта ўрганиш ва уларни жорий этишга етарли аҳамият берилмаётир.

Изолятор заводи биринчи кварталда электротехника саноатига талайгина маҳсулотларни етказиб бера олмади. Радиодеталь заводи квартал планини эрба-зўр 93 процентга етказди. Ойна заводи эса ўтган 3 ойлик ишлаб чиқариш планини атиги 77 процент ado этди ва бир неча минг квадрат метр ойна кам ишлаб чиқарди.

Кенг меҳнаткашлар оммасининг диққат-эътиборини ишда рўй бераётган камчиликларни тугатишга, меҳнат унумдорлигини ошириш учун курашга жалб этиш лозим. Социалистик мусобақа ишчилар, колхозчиларнинг ижодий ташаббуси ва ғайратини меҳнат унумдорлигини оширишга, давлат планларини тўла ва ошириб бажаришга сафарбар этувчи катта кучдир.

Партия, касаба союз ташкилотлари ва хўжалик ходимларининг вазифаси—социалистик мусобақани кенг ривожлантиришдан, кенг ишчи ва колхозчилар оммасини мусобақага жалб қилишдан, мусобақадошларнинг самарали ишлашлари ва ижодий ташаббус кўрсатишлари учун қулай шароит яратиб беришдан иборатдир.

Социалистик мусобақада ишлаб чиқариш новаторларининг бой тажрибаларини кенг оммалаштиришга, ҳар бир цех, участка, ҳар бир агрегатда смена нормаларининг тўла ва ошириб бажарилишига катта эътибор берилиши лозим.

Колхоз ва совхоз далаларида майолди социалистик мусобақасини кучайтириб, чигит экишда ҳар бир қулай фурсатдан тўла ва унумли фойдаланиш керак.

Саноат, транспорт, қурилиш объектларининг ходимлари, колхозчилар, МТС ва совхозларнинг ишчилари майолди социалистик мусобақасида актив иштирок этиб, бутун куч ва ғайратларини бутун дунё меҳнаткашларининг ҳамкорлик куни — 1-Майни меҳнат соҳасида муносиб совғалар билан кутиб олишга сафарбар этишлари лозим.

Совет Иттифоқининг Партия-Ҳукумат делегацияси Венгрияга қилган сафаридан қайтиб келди

10 апрелда москваликлар КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев бошчилигида Венгрия Халқ Республикасига қилган сафаридан қайтиб келган Совет Иттифоқи Партия-Ҳукумат делегациясини самимий табриклардилар.

Ҳаво кемаси «ТУ-104» Будапештдан қайтиб келиши олдидан СССР давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромига пойтахт меҳнаткашларининг жуда кўп вакиллари тўпландилар.

Кутиб олувчилар орасида А. Б. Аристов, Л. И. Брежнев, Н. А. Булганин, К. Е. Ворошилов, Н. Г. Игнатов, А. И. Кириченко, О. В. Куусинен, А. И. Микоян, Н. А. Муҳитдинов, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, П. Н. Поспелов, А. Н. Косигин ўртоқлар, СССР министрлари, шунингдек дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ҳам бор эди.

Қизғин табриклар билан кутиб олинган Партия-Ҳукумат делегациясининг аъзолари В. И. Ленин номидаги марказий стадионга қараб йўл олдилар. Бу ерда катта митинг ўтказилди. Митингда Владимир Ильич номли заводнинг слесари С. А. Антонов, СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси В. А. Трапезников ва Москва Энергетика институтининг студенти М. В. Коломейцева нутқ сўзладилар.

Шу ерда ҳозир бўлган кишилар КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг нутқини гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

(ТАСС).

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонига мувофиқ, Туркистон ҳарбий округи органи «Фрунзевец» газетасининг биринчи сони чиққан кунининг 40 йиллиги муносабати билан газета редакцияси ва босмахонаси ходимларидан 17 киши Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 88 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

В. И. Ленин Марказий музейида

В. И. Ленин Марказий музейи залларига шу кунларда жуда кўп киши келмоқда. Апрель ойининг бошидан буён бу залларга йигирма мингдан ортиқ киши келди. Владимир Ильич туғилган кунининг 88 йиллиги яқинлашиб қолган сари экскурсиячилар сони ортиб бормоқда.

9 апрелда, экспонатлар қайта ўрнатилганидан кейин, бу ерда XIII зал яна очилди. Бу залдаги материаллар В. И. Ленининг 1920 йилдаги фаолиятини характерлайди. Марказий стендда Владимир Ильич 1920 йил апрель-май ойларида ёзган «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали» китобининг биринчи нашрини кўрамиз. Барча мамлакатлардаги коммунистик партияларнинг стратегияси ва тактикаси масалаларига бағишланган ана шу гениал асар Совет Иттифокининг бир ўзидагина 50 тилда 133 марта нашр этилди.

Антанта учинчи юришининг тормор қилинганлигига доир материаллар, партия IX съездининг ҳужжатлари, Владимир Ильич партия билетининг фотокопияси ва унинг РКП(б) Москва ташкилоти аъзоларини қайталан рўйхатга олиш вақтида 1920 йил 17 сентябрда тўлдирган шахсий анкетаси шу залга кўйилган. Музейга келувчилар В. И. Ленининг Кремлдаги кабинетининг шу ерга қўйилган макетини ҳам завқ билан тамоша қилмоқдалар.

XIV залда жуда қизиқарли харитани кўриш мумкин. Бу харитада Москвадан ҳамма тамонга юзларча қизил иплар чўзилган. Улар Ленининг 1918-1920 йилларда қайси шаҳарларга телеграмма ва хатлар юборган бўлса, ўша шаҳарлар билан боғланган. Бу шаҳарлар орасида Петроград, Царицин, Омск, Иркутск, Владивосток, Киев, Минск, Луганск, Астрахань ва бошқа кўп шаҳарлар бор. Ўша йилларда Владимир Ильич ёш Совет республикасининг мудофаси билан боғлиқ бўлган масалалар ҳақида олти юздан ортиқ ҳар хил кўрсатма ва фармойишлар берган эди.

Тамошабинлар бошқа залларда ҳам кўпгина янги нарсаларни кўрадилар. Кейинги кунларда Лихачев номли автомобиль заводи, «Серп и молот» металлургия заводи, «Каучук» заводи ва Москвадаги бошқа корхоналарнинг ишчилари, бинокорлар, Москва давлат университетининг студентлари, Совет Армиясининг жангчилари, пойтахтга келган меҳмонлар музейни тамоша қилдилар. (ТАСС).

Ленин кунларига тайёргарлик

Тошкент шаҳар партия маорифи уйи Коммунистик партиянинг асосчиси ва ташкилотчиси В. И. Ленининг туғилган кунига 88 йил тўлган кунни нишонлаш юзасидан катта тайёргарлик кўрмоқда. Бу ерда Ленин туғилган кунга бағишлаб шаҳар саноат корхоналари, транспорт ва қурилиш ташкилотлари, муассасалар ҳамда ўқув юртларида ўқиладиган лекция ва докладларнинг тематик плани ишлаб чиқилди. Планда «Ленинизм бизнинг ғалаба байроғимиз», «Ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси» ва бошқа бир қанча темалар бор. Жойларда лекция ва докладларни ўқиш учун мингга яқин лектор ва сиёсий докладчилар жалб этилади.

Бу соҳада лектор ва докладчиларга, шунингдек пропагандист ҳамда агитаторларга ёрдам бериш мақсадида шаҳар партия комитетида инструктаж доклад ўтказиш мўлжалланган.

Ҳозир партия маорифи уйи ҳузурида консультантлар иш олиб бормоқдалар. Улар Ленин кунлари олдидан жойларда ўқиладиган лекция ва докладларга, меҳнаткашлар ўртасида суҳбат ўтказишга тайёрлик кўриш юзасидан лектор ва докладчиларга, агитаторларга малакали ёрдам бераётирлар.

Бундан ташқари шаҳар партия маорифи уйида агитатор ва пропагандистларга ёрдам юзасидан В. И. Ленининг ҳаёти ҳамда революцион фаолиятига бағишлаб китоб витринаси ташкил этилган. Унда лекция ва докладларни, шунингдек суҳбатларни ўтказишга тайёрлик кўришда фойдаланиш учун тавсия этиладиган кўпгина асарлар бор. «В. И. Ленин миллий ва миллий мустақиллик масаласи ҳақида», «В. И. Ленин пропаганда ва агитация ҳақида», «В. И. Ленин ишчилар синфи ва деҳқонларнинг иттифоқи ҳақида», «В. И. Ленин кадрларни танлаш ва тарбиялаш ҳақида»ги китоб ва брошюралар, Ленин ҳақидаги хотиралар шулар жумласиндир.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

1-Май шарафига дала ишлари суръатини кучайтирайлик!

Свердлов номли колхоз 2-Янгийўл МТСидан 15 та универсал, 4 та ДТ-54 ҳайдов трактори, 3 та ДТ-24, 2 та СХМ-48М ва бошқа хилма-хил қишлоқ хўжалик машиналари сотиб олди. Бу техниканинг ҳаммаси ҳозир дала ишларига тўлиқ тахт қилинган. Колхознинг илғор трактorчиси Т. Тошев 20 йилдан бери шу колхозда трактorчи бўлиб ишлайди, ўзи бошқарган машинанинг ҳамма вақт аъло сифат билан ишлашини таъминлайди, ёш трактorчиларга ўз тажрибаларини ўргатиб келади: **Суратда:** (ўнгдан чапга) **Т. Тошев** ёш трактorчилардан **Б. Тўлаганов, К. Султоновлар** билан ўз тажрибаларини ўртоқлашмоқда.

М. Комлев фотоси.

Механизация ёрдамида мўл ҳосил етиштирамиз

Мен илгари колхоз партия ташкилоти секретари вазифасида ишлар эдим. Бултур Тошкент колхоз раҳбар кадрлари тайёрлаш 3 йиллик курсини тамомлаб агрономлик дипломига эга бўлдим. Ўқишни битириб колхозга келишим пахтакорлар ҳаётидаги муҳим воқеалар — техникани МТС дан сотиб олиш, трактор-далачилик бригадалари тузиш, хўжалик ҳисобига ўтиш каби воқеаларга тўғри келди. Колхоз правлениеси мени трактор-далачилик бригадасига бошлиқ қилиб тайинлади.

Бригадамизга 145 гектар пахта майдони ажратиб берилди. Бутун майдонларда кетмон ишлатмаслик ғўзани юз процент механизация ёрдамида парваришлаб, ҳар гектар ердан 30 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилдик.

Бригадага 25 колхозчи ва 5 механизатор бириктирилган. Чигитни экиш ва ғўза қатор ораларини ишлашдан тортиб то ҳосилни йиғиб олишгача энг асосий ишни ўша 5 механизатор бажаради. Улардан А. Абдуазизов, Т. Эшонтаев, С. Ҳамидов, Т. Турғунов ўртоқлар бултур ҳам чигитни режа сими тортиб квадрат-уялаб эккан, ғўза қатор ораларини икки томонлама ишлаган, бинобарин бу соҳада анча тажриба орттирган моҳир механизаторлардир.

Улар чигит экишни сифатли ўтказиш, аниқ квадратлар ҳосил қилиш ва ҳар гектар ерда 90-95 минг тупдан кўчат бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Чунки аниқ квадратлар ғўза қатор ораларини сифатли ишлашга кенг имкон яратиб беради.

Бригадамизга бириктирилган майдонларнинг деярлик ҳаммаси яхши ишланган, мелиоратив ҳолати анча яхшиланган ерлардир. Лекин шунга қарамай баъзи карталарни чигит экишга тайёрлашда яна бир марта чизилладик, колхозчилар бегона ўт ва гумай томирларини теріб чиқдилар.

Сўнгги кунлардаги ёмғир ер юза қатламини қотириб кетганлиги учун чигит экишга киришишдан аввал бутун майдонларни яна бир марта сифатли борона қилиб сўнг экишга киришишни планлаштирдик.

Бригадамиз аъзолари ҳосилни оширишда маҳаллий ўғитнинг катта фойда беришини билганликлари учун бу йил ўтган йилларгагига қараганда анча кўп маҳаллий ўғит тайёрладилар. Лойгарчилик кунларида ҳам универсалга махсус арава тиркаб гўнг ва бошқа хил маҳаллий ўғитларни жамғаришни давом эттирмоқдамиз. Бу йил биз карталарнинг тупроқ шароитига қараб айрим далаларнинг ҳар гектарига 10-12 тоннадан, баъзи ерларга эса 7-8 тоннадан гўнг солдик.

Бригадаларнинг хўжалик ҳисобига ўтиши ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг таннархини камайтириш билан бирга колхозчилар оладиган даромадни ҳам кескин кўпайтиради. Шунинг учун биз-нинг бригада ҳам шу йилдан бошлаб хўжалик ҳисобига ўтди. Энди маҳсулотни ишлаб чиқариш, унинг таннархини камайтириш, сарф-харажатни қисқартириш учун ҳар бир киши астойдил курашди. Чунки у агар ҳосил оширилса ўз бригадасида даромаднинг кўпайишини яхши билади. Хўжалик ҳисобига ўтган бригадамиз аъзолари дастлабки кунлардан бошлабоқ ҳар бир нарсани тежаб-тергаб сарфлашмоқдалар ва ҳосилни ошириш учун бирдамлик билан курашмоқдалар.

Биз бу йилги баҳорда бўлаётган ёғингарчиликларни ҳисобга олиб, чигит экишни ҳар бир қулай фурсатдан тўла ва унумли фойдаланган ҳолда ўтказишни таъминлайдиган, пахтадан мўл ҳосил етиштириш тўғрисидаги социалистик мажбуриятимизни шараф билан бажарамиз.

А. КАЛОНОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Сталин номли колхоз трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи.

Бўлим ишчи ва механизаторларининг ғайрати

Экишни бир кун кечиктирган деҳқон, ҳосилни ўн кун кейин йиғиб олади, дейишади тажрибали пахтакорлар. 3-«Боёвут» совхози 4-бўлим ишчи ва механизаторлари ҳам бу шартни жуда яхши биладилар. Шунинг учун ҳам улар қулай фурсатларни қўлдан бой бермай, сифатли тайёрланган ерлар етилиши билан чигит экишга дадил киришмоқдалар.

Бўлим коллективи ўтган йил йўл қўйилган камчиликлардан бу йил тўғри хулоса чиқариб олганлар. Квадрат-уялаб чигит экишнинг афзаллигини, унинг мўл ҳосил гаровни эканлигини синаб кўрганлар. Шунинг учун ҳам улар бу йил 530 гектар пахта майдонининг 390 гектарига 60х60, 140 гектарига 50х50 схемасида режа сими тортиб чигит экишмоқчи. Шу мақсад билан М. Холбоев, Ч. Селеметов, Н. Зарипов каби қатор механизаторлар семинарларда қатнашиб, далаларда амалий машғулотлар ўтказиб, ўз соҳаларини пухта эгаллаб олганлар. Улар экиш бошланган дастлабки кунлардаёқ аниқ квадратлар ҳосил қилиб, ишчиларнинг ишонч ва ҳурматларига сазовор бўлдилар.

— Бу йил гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилганмиз, — дейди бўлим бошқарувчиси, — ишчи ва механизаторларимиз зиммаларига олган мажбуриятларини тўла бажарадилар. Чунки, етарли техника ва кенг имкониятларга эгамиз.

Совхознинг 5, 6-бўлимларидаги иш ҳам хурсанд бўлдирлидир. Бу бўлимларда ҳам асосий майдонларга режа сими тортиб чигит экилянти. Тюпкочилар ҳаракатига қўшилган трактор-далачилик бригадалари бошлиқлари астойдил ҳаракат қилиб, бу йил гектаридан олинадиган ҳосилни ўтган йилгига нисбатан камида 3-4 центнерданга ошириш учун ғайрат қилмоқдалар.

Ю. ЮСУПОВ.

Тюпкочилар ҳаракатининг ташаббускорлари

«Победа» колхозининг илғор механизаторлари ўртоқ Тюпконинг ғўзаларни кетмон ишлатмай, механизация ёрдами билан квадрат-уялаб парвариш қилиш ва пахтани ҳам машина билан теріб олиш соҳасидаги тажрибасини ўрганиб чиқиб, қизғин маъқулладилар. Ўзлари ҳам ана шу метод асосида кам меҳнат сарфлаб, мўл ҳосил етиштиришга аҳд қилдилар.

Колхозда биринчи бўлиб механизаторлардан А. Ганиев, А. Ҳамдамов ўртоқлар трактор-далачилик бригадаси ташкил қилдилар. Улар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари ҳар гектаридан 27 центнердан ҳосил етиштириш мақсадида чигитни 50х50 схемасида режа сими тортиб экишга аҳд қилдилар. Бу бригадаларнинг ҳар бирида кўпи билан 12 киши ишлайди. Улар ўғит ташиш, ғўзаларга сув тараш каби ишлар билан шуғулланадилар, қолган асосий ишларнинг ҳаммаси механизация ёрдамида бажарилади.

Шу кеча-кундузда тюпкочилар пахта далаларида астойдил бел боғлаб меҳнат қилаётирлар. Улар етилган ерларга пешма-деш чигит экмоқдалар.

Шунингдек, райондаги «Қизил Октябрь», Карл Маркс номли колхозларда ҳам ўртоқ Тюпко методи асосида ишларга аҳд қилиб, экишни бошлаб юборган механизаторлар кўп. Колхоз правлениеслари, бошланғич партия ташкилотлари тюпкочилар ҳаракатини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаб, уларга қулай иш шароитлари яратиб бермоқдалар.

А. ҚОСИМОВ,
М. САИДҚУЛОВ.
Верхне-волинск райони.

Чигит экишга киришдилар

83 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олган Оққўрғон район Тельман номли колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маман ота Қўлдошев бошлиқ бригада аъзолари чигит экишни уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар. Бу йил 60 гектар ерга 60х60 схемасида, 23 гектар ерга 60х50 схемасида режа сими тортиб квадрат-уялаб чигит экилади.

Бригаданинг моҳир механизатори Тўғиз Отабеков бутун майдонларда аниқ квадрат ҳосил қилиш, чигитни тез ва сифатли экиб тугаллаш учун ғайрат билан ишламоқда.

Шунингдек, райондаги Карл Маркс номли колхознинг Тен Ханнен бошлиқ бригада аъзолари ҳам бу йил донгдор механизатор Тюпко методи асосида ҳосил етиштиришга аҳд қилдилар. М. Бобоқулов, А. Номуродов, А. Ўрозбоев, А. Саидов, Т. Ортиқбоев каби механизаторлар ўзларига 40-50 гектардан ер ажратиб олиб, механизация ёрдамида ҳосил етиштириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

М. ОЙДИНОВ,
Т. МАМБЕТОВ.

Далалардан дараклар

ОКТЯБРЬ. Райондаги Свердлов номли колхоз сўнгги йилларда Чирчиқ дарёси бўйидаги қўриқ ва бўз ерларда ташкил топган хўжаликлардандир. Колхоз аъзолари кўплаб зовурлар қазиб, сизот сувларни қочирдилар, тупроқнинг ҳолати тобора яхшиланиб бормоқда.

Бу йил колхозда бирнеча трактор-далачилик бригадалари тузилди. Бу бригадаларга 120 гектардан майдон ва 20-22 колхозчи бириктирилган. Трактор-далачилик бригадалари асосан механизация ёрдамида ҳосил етиштирадилар. Р. Бойбўлов, И. Илёсов, Т. Дилкашев каби илғор механизаторлар ҳар куни чигит экиш нормасини 1,5-2 ҳиссага етказиб бажараётирлар.

Шунингдек, Ленин номли колхоз аъзолари ҳам 716 гектар ернинг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Р. Эргашев, М. Улуғбоев, Э. Абдукаримов каби механизаторлар донгдор механизатор Тюпко усулида ишлашга аҳд қилдилар. Ҳозир улар ўз майдонларига режа сими тортиб квадрат-уялаб чигит экишга киришдилар.

Т. Имомов,
М. Уталов.

* * *

ОРЖОНИКИДЗЕ. Бу ердаги Оржоникидзе номли колхознинг Г. Файзиев бошлиқ бригада аъзолари бутун майдонларга режа сими тортиб 60х50 схемасида квадрат-уялаб чигит экмоқдалар.

Бригада аъзолари ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил етиштириш ниятиёқида зўр ғайрат билан меҳнат қилаётирлар.

С. Мирзабоев.

* * *

ГУЛИСТОН. «Искра» колхозининг М. Бобоёров бошлиқ 5-бригада аъзолари бу йил кўклам дала ишларига зўр ғайрат билан киришдилар. 80 гектар ернинг ҳар гектарига 10-11 тоннадан маҳаллий ўғит, 200 килограммдан суперфосфат сепилди. Барча майдонларга чигит 50х50 схемасида квадрат-уялаб экилмоқда.

Бригада аъзолари чигит экишни 8-9 иш кунида тугаллаш учун барча тадбирларни кўрмоқдалар.

Х. Маманазаров.

* * *

СИРДАРЁ. Ворошилов номли колхознинг 3-бригадасига бу йил колхозчи Э. Худойбердиев бошлиқ қилиб тайинланди. Бригада аъзолари дала ишларида тўлиқ қатнашмоқдалар. Улар ўзларига бириктирилган 85 гектарни қишда яхоб бериб, ўғитлаб чигит экишга сифатли тайёрладилар. Ҳозир чигит экиш қизғин бораётир.

Бригаданинг М. Сафина, Б. Бойзоқова, Ш. Маҳамадиева каби илғор аъзолари ҳар куни 1,5-2 норма бажариб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Б. Кенжаев.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Саноатга партия раҳбарлигини кучайтирайлик

Тошкент шаҳар партия комитетининг II пленуми

Яқинда Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг II пленуми бўлиб ўтди. Пленум қатнашчилари шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Ф. Хўжаевнинг «Саноат ва қурилишни бошқаришнинг қайта ташкил этилиши муносабати билан саноат корхоналари партия ташкилотларининг ишини янада яхшилаш ҳақида»ги докладини эшитиб, уни муҳокама қилдилар.

— КПСС Марказий Комитетининг 1957 йил февраль Пленуми тарихий қарорларини амалга ошира бориб,— дейди докладчи, — партиямиз ва Совет ҳукумати саноат ҳамда қурилишни бошқаришни қайта ташкил этдилар.

Янги шароитда ишлашга ўтиш тор идорачилик тўсиқларини йўқотиб, раҳбарликни ишлаб чиқаришга якинлаштирди, маъмурий-бошқарув аппарати қисқартирилди, ишлаб чиқаришнинг муҳим масалалари жойларнинг ўзида оператив ҳал қилинадиган бўлиб қолди. Буларнинг ҳаммаси маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини оширишга олиб келди. Буни Тошкент шаҳри мисолида ҳам кўриш мумкин. Агарда 1957 йилнинг биринчи ярим йиллик топшириғи 104,8 процент бажарилган бўлса, иккинчи ярим йиллик топшириқ 105,6 процентга етказиб бажарилди. Шаҳар саноати шу йилнинг биринчи квартал планини 106,3 процент қилиб бажарди.

Докладчи, ёрқин мисоллар келтириб, радиолампа заводи, «Ўзбексельмаш» заводи, 1-пойафзал фабрикаси, Ташсельмаш» заводи, Тошкент тўқимачилик комбинати, канап-йигирув фабрикаси партия ташкилотлари корхоналарнинг техника иқтисодий кўрсаткичларининг тинмай яхшилана боришига эришаётганликларини кўрсатди.

Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳали кўпгина партия ташкилотлари ўз ишларини ҳозирги юксак талаблар даражасида қайта қуриб олмаганлар. Улар мавжуд резервларни қидириб топиш ва ишга солиш, янги техника ва прогрессив технологияни жорий қилиш каби муҳим масалалар билан кам шуғулланаётирлар. Шу сабабли ҳам шаҳардаги 19 корхона 1957 йил топшириғини, 20 корхона эса шу йилнинг биринчи квартал планини бажармади.

Экскаватор заводи ўтган йили давлатга белгиланганидан 15 экскаваторни кам берди. «Ташкенткабель», лак-бўёқ заводлари ва бошқа корхоналар мамлакатимиздаги кўпгина иқтисодий-маъмурий районларнинг берган заказларини ўз вақтида бажармаётирлар. Партия ташкилотлари эса бундай камчиликларнинг олдини олиш учун кескин кураш олиб бормаётирлар.

Пленумда Тошкент Совнархозининг корхоналар ишини яхшилаш соҳасида кўраётган тадбирлари қайд қилиб ўтилиши билан бирга, ҳали унинг ишида жиддий камчиликлар ҳам борлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарори ҳамда СССР Олий Советининг колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил этиш тўғрисидаги Қонуни муносабати билан шаҳар саноат корхоналари партия ташкилотлари олдида катта вазифалар турганлиги пленумда кўрсатиб ўтилди.

Музокараларда биринчи бўлиб Тошкент тўқимачилик комбинатининг директори Ўртоқ Абдуллаев сўз олади.

— Комбинат партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари, деди нотиқ, — корхона экономикаси билан системали равишда шуғулланадиган бўлиб қолди. Шу йилнинг биринчи кварталидагина ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилардан техника-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашга имкон берувчи 254 таклиф тушди. Ҳозирнинг ўзидаёқ 240 таклиф кўриб чиқилди ва уларнинг кўпчилиги амалга оширилди.

Ўртоқ Абдуллаев Тошкент Совнархози корхонани янги техника билан таъминлаш масалаларини жуда сust ҳал қилаётганлигини кўрсатди. Планлаштириш соҳасида ҳам жиддий камчиликлар бор, берилган планларга кетма-кет ўзгартиш киритилаберади.

Октябрь район партия комитетининг секретари Ўртоқ Исломов ўз сўзида районлараро социалистик мусобақани ташкил этишда ҳали ҳам расмиятчилик бор эканлигини кўрсатиб ўтди. Жумладан, Октябрь райони Киров райони билан мусобақадош. Ҳар кварталда ҳар иккала район раҳбарлари ўзларича мусобақа якунларини чиқарадилар, аммо бу мусобақада ким голиб чиққанлигини аниқ билиб бўлмайди.

«Ўзхлопкомаш» заводи партия ташкилотининг секретари Осокин, радиолампа заводи партия ташкилотининг секретари Сорокин, «Ташкентқабель» заводининг директори Сафонов ва бошқа ўртоқлар материал-техника таъминоти ва планлаштириш соҳасида жиддий камчиликларга йўл қўяётганлиги учун Тошкент Совнархози раҳбарларини қаттиқ танқид қилдилар.

Тошкент шаҳар комсомол комитетининг секретари Ўртоқ Борков кўпгина корхоналарда ёш ишчилар билан ишлаш яхши йўлга қўйилмаганлигини кўрсатиб ўтди.

— Янги шароитда ишлаш, — деди ўз сўзида Тошкент Совнархози машинасозлик Бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ Хўжаев, — корхоналарнинг техника-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш ва шу асосда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтирувчи қатор тадбирларни амалга ошириш имконини берди.

Нотиқ шу нарсани ҳам алоҳида таъкидлаб кўрсатдики, айрим корхоналарнинг раҳбарлари давлат планларининг тўла ва ошириб бажарилишини таъминлаш учун мавжуд резервларни ишга солиш, коллективнинг ижодий ташаббускорлиги ва ғайратини меҳнат унумдорлигини оширишга сафарбар қилиш ўрнига, Совнархоз томонидан белгиланган планларни нотўғрига чиқармоқ учун ҳаракат қилмоқдалар. Бу мутлақо хато фикрдир.

Шунингдек, музокараларда «Подъёмник» заводи партия бюросининг секретари Землянкин, Тошкент шаҳар ижроия комитети саноат бошқармасининг бошлиғи Попов Ўртоқлар ҳам сўзладилар.

Пленумда область партия комитетининг секретари Ўртоқ Мусахонов нутқ сўзлади.

Пленум ташкилий масалаларни ҳам кўрди. Шаҳар партия комитети ташкилот бўлимининг мудири қилиб Ўртоқ В. Усмонов, фан, олий ўқув юртлари ва мактаблар бўлимининг мудири қилиб Ўртоқ М. К. Файзуллина, пропаганда ва агитация бўлимининг мудири қилиб Ўртоқ Р. Нишонов, қурилиш ҳамда шаҳар хўжалиги бўлимининг мудири қилиб Ўртоқ А. Н. Рацульский, маъмурий ва савдо-молия органлари бўлимининг мудири қилиб Ўртоқ В. А. Рассохин тасдиқландилар.

Чирчиқ шаҳар партия комитети ва Тошкент шаҳар Марказий район партия комитети республикадаги кўпчилик партия комитетлари каби соҳалар бўйича бўлимларсиз ишлаётганига бир йилдан кўпроқ вақт ўтди. Янги ишқ шароитидаги партия раҳбарлиги тажрибасини ўртоқлашиш мақсадида Чирчиқ шаҳар ва Марказий район партия комитетларининг ходимлари ўртасида жонли алоқа вужудга келган.

Яқинда Марказий район партия комитетининг бир группа ходимлари райком секретари Ўртоқ А. Шкуратов бошчилигида Чирчиқ шаҳрида бўлиб, халқ хўжалигига партия раҳбарлиги практикаси билан танишдилар. Бундан бир неча кун илгари эса Чирчиқ шаҳар партия комитетининг ходимлари Марказий район партия комитетида бўлдилар ва тажриба алмашдилар. Бу каби ўзаро жонли алоқа партия раҳбарлиги методини такомиллаштириш, партия аппаратини ташкилий жиҳатдан қайта қуришнинг янги формаларини қидириб топишга имкон бераётир.

Суратда: (чапдан ўнгга) Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар, Марказий район комитетининг секретари Х. Ғуломов, Марказий район партия комитетининг инструктори В. Локшина, Чирчиқ шаҳар партия комитетининг инструкторлари Л. Приманова ва В. Семенов, Марказий район партия комитетининг инструктори М. Белоногов ҳамда Чирчиқ шаҳар партия комитетининг инструктори А. Вихляева ўртоқлар янги шароитдаги иш тажрибаси билан ўртоқламоқдалар.

Р. Шамсиддинов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Совет кишиларининг меҳнат қобилиятини яхшироқ муҳофаза қилиш учун

Тошкент область ва шаҳар социал-таъминот бўлимлари меҳнат қобилиятини белгиловчи ВТЭК врачлари ва врачлик консультация комиссияси врачлари ҳамда шаҳар ва район социал-таъминот бўлимлари мудирларининг илмий-практик конференциясини ўтказдилар.

Уч кун давом этган бу конференцияга 59 эксперт-врач, 44 консультация комиссияси врачлари ва областдаги район, шаҳар социал-таъминот бўлимларининг мудирлари иштирок этди.

Конференцияда эксперт-врач ўртоқ Р. Шевченко «Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланган ВТЭК (Меҳнат қобилиятини белгиловчи врач эксперт комиссияси) Низоми ҳақида», эксперт-врач М. Мақсудов «врачлик меҳнат экспертизасининг баъзи масалаларига доир методик қўлланмалар тўғрисида», эксперт-врач А. Дригина «инвалидликнинг айрим сабаблари тўғрисида методик кўргазмалар» ҳамда область социал-таъминот бўлимидан ўртоқ Убайдуллаев «ВТЭК ва ВКК (врачлик консультация комиссияси)нинг айрим хатолари ҳақида» деган темаларда доклад қилдилар.

Конференциянинг иккинчи ва учинчи кунлари мутахассис врачлар кўз касаллиги, нерв, асаб, сил, ўпка, гипертония ҳамда юрак касаллиги билан оғриган меҳнаткашларни қай йўсинда инвалидлик группаларига айириш ва уларнинг иш шароитлари ҳақида гапирдилар. Кўп йиллик тажрибага эга бўлган мутахассис врачлар иш пайтида бу масала юзасидан йўл қўйиб келинаётган хатолар ҳақида сўзладилар ва қимматли таклифлар киритдилар.

Конференцияда меҳнаткашларнинг меҳнат қобилиятини муҳофаза қилиш, инвалидлик группаларига тўғри тайинлаш, инвалидларни ишга жойлаш, саноат корхоналари ва колхоз, совхозларда уларни ўзига лаёқатли ишларга қўйиш ҳамда ВТЭК ва ВКК ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш масалаларига катта эътибор берилди. Шу вақтгача инвалидлик группаларига ажратиш ишлари ВТЭКда олиб борилар эди. Бу эса инвалиднинг касалини тўлиқ аниқлаш, тезроқ инвалидликка чиқаришда анча қийинчиликлар туғдирар эди. Конференцияда ҳамма медицина пунктлари, поликлиника врачлари ўзларида даволанаётган беморларнинг ҳисобини тўғри олиб бориш лозимлиги, шу билан бирга бирор кишини инвалидлик группасига ўтказишда даволовчи врачнинг кўрсатмаси инобатга олиниши, бунинг учун ҳар бир врач ўзи экспертизани яхши билиши кераклиги таъкидланди. Шу муносабат билан врачлар малакасини ошириш институтларида экспертиза дарси киритилиши, шунингдек медицина институтларида ҳам экспертиза дарси ўқитилишига дурустроқ аҳамият бериш тўғрисида ҳам таклифлар бўлди.

Сил, силекоза ва асаб касалликлар билан оғриган инвалидлар учун алоҳида ҳунар артеллари ташкил қилиниши тўғрисида мутахассислар қимматли фикрлар айтдилар.

Болаларга Май кийимлари

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Болалар учун кийим-кечак ва пойафзал ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хилларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш тўғрисида»ги қароридан кейин областимиздаги енгил саноат корхоналарида ишлар янгича ташкил этила бошлади.

Тошкент Халқ хўжалиги кенгашига қарашли пойафзал ва тикувчилик корхоналарининг ўзи ички резервларни кўплаб ишга солиш, янги цех ва потоклар ташкил этиш натижасида болалар учун кийим-кечак ва пойафзал ишлаб чиқаришни ўтган

йилдагидан 2-3 баравар ошириш учун курашаётирлар. Область маҳаллий саноат ва ҳунармандчилик саноати корхоналарида ҳам болалар кийимларининг ассортименти кескин суратда кўпайтирилаётир.

Март ойининг ўзида область корхоналарида 200 минг жуфтга яқин ҳар хил размердаги болалар пойафзали ва бир неча ўн минг сўмлик ички ва устки кийимлар ишлаб чиқарилди.

Қарор эълон қилингандан бери ўтган 25 кун ичида область савдо ташкилотларида болалар кийим-кечаклари илгаригидан анча кўп сотилди. **Юқоридаги суратда** Тошкентдаги 58 магазинда сотувчи ўртоқ **Т. Муҳамедова** харидорларга хилма-хил болалар кийимларини кўрсатаётир.

Тошкент Совнархози Енгил саноат бошқармасига қарашли марказий лаборатория ходимлари ёзги мавсумда оммавий серияда ишлаб чиқаришга мўлжалланган 33 та энг яхши модель тайёрлаб бердилар. Бу моделлар асосида Чирчиқ, Янгийўл ва Тошкентдаги пойафзал фабрикалари дастлабки маҳсулотларни тайёрлаб савдога чиқардилар. 2. **Суратда:** (чапдан) новатор-тикувчи **Ю. И. Игнатьев** ва моделчи конструктор **В. А. Вартересян** ўртоқлар лабораторияда янги тайёрланган пойафзаллар нусхасини муҳокама қилмоқдалар.

Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасида ўтган йили болалар оёқ кийими ишлаб чиқарилмас эди, бу йил корхонада болалар оёқ кийими ишлайдиган янги автоматик поток линияси ишга туширилди. Коллектив Май байрами шарафига 100 минг жуфтга яқин турли хил чарм пойафзал тайёрлаб бериш учун мусобақани кун сайин қизитаётир. 3. **Суратда:** смена нормасини 250 процентдан бажараётган илғор ишчи **К. Толипов** тайёрланган туфлини қолипдан тушираётир.

Тошкентдаги 3-«Болалар дунёси» магазинининг пойафзал бўлимида республика корхоналарида тайёрланган ҳамда қардош республикалардан ва чет мамлакатлардан келтирилган болалар оёқ кийимлари тобора кўпроқ сотилаётир. 4. **Суратда:** магазиннинг оёқ кийим бўлимида савдо пайти.

В. Салов фотолари.

Малакали бинокорлар тайёрлашга жиддий эътибор берайлик

Тошкент бинокорлари КПСС Марказий Комитети ҳамда СССР Министрлар Советининг «СССРда уй-жой қурилишини ривожлантириш тўғрисида»ги қарори эълон қилинганидан буён бир қатор ютуқларни қўлга киритдилар. Пойтахтимиз-нинг хушманзара массивларида кўп қаватли чиройлик, шу билан бирга яшаш учун қулай бўлган жуда кўп уй-жой бинолари кад кўтарди. Эндиликда Чиланзор, Шофайқулоқ, Қорасув, Қарасарой массивлари таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.

Қурилиш ишларининг ана шундай катта ҳажмда олиб борилаётганлиги ҳархил ихтисосдаги бинокор ишчиларнинг сафини янада кенгайтиришни талаб этади. Малакали, бинокорлик ишларининг барчасини уддалай оладиган кадрларни кўплаб тайёрлаш — уй-жой қурилиши сифатини яхшилаш ҳамда суръатини тезлатишнинг муҳим гаровидир. Ғишт терувчи ёки суvоқчи, дурадгор ёки бетончи қанчалик малакали бўлса, бинокорлик техникасини яхши ўзлаштириб олган бўлса, унинг бажарган иши шунчалик сифатли бўлади, албатта. Лекин бизда, айниқса Тошкент шаҳридаги қурилиш ташкилотларида бинокор ишчиларнинг малакасини оширишга етарли эътибор берилмаётир. Йирик қурилиш объектларида ихтисосли ғишт терувчилар, суvоқчилар, дурадгор ва бетончиларнинг етишмаслиги ҳар қаламда сезилмоқда.

Қурилиш бошқармаларининг раҳбарлари ёшларга, айниқса ўрта мактабни тамомлаб, қурилишларга келаётган ёшларга бинокорлик касбини тез ва пухта ўргатиш масаласига етарли эътибор бермаётирлар.

Бизнинг 32-трест Тошкент областидаги энг йирик қурилиш ташкилотларидан биридир. Бироқ трест маъмурияти ва партия ташкилоти ёрдамчи ишчи сифатида сафимизга кириб келаётган ёшларнинг у ёки бу касбни пухта эгаллаб олишларига нормал шароит туғдириб бермаётирлар. Шу сабабли ҳам бинокор бўлишни орзу қилиб келган ўнлаб ёшлар қурилиш объектларидан кетиб қолишга мажбур бўлмоқдалар. Ўтган йил Чиланзордаги 21 квартирали уй-жой қурилишига 65 ёш ёрдамчи ишчи қабул қилинган эди. Ҳозир улардан бир-икки кишитина қолди, холос. Трестнинг 3-қурилиш-монтаж бошқармасининг бош инженери Ўртоқ Гросс ёш ишчиларнинг тақдири нима бўлганлигини билмайди. Агар трест ёки бошқарма раҳбарлари қурилиш объектларидаги ёш бинокорларга меҳрибонлик билан қараганларида уларнинг кўпчилиги ҳозир малакали ғишт терувчи ёки суvоқчи бўлиб етишардилар.

Барча қурилиш ташкилотларида ишлаб чиқаришга кўплаб келаётган ёш ёрдамчи ишчиларга алоҳида муҳаббат билан қараш, уларнинг у ёки бу касбни эгаллаб олишларига тўла шароит яратиб бериш керак. Бунинг учун қурилиш ташкилотларидаги партия, касаба союз ҳамда комсомол ташкилотлари ташаббускор бўлишлари лозим. Кези келганда шуни афсусланиб таъкидлаб ўтиш керакки, қурилиш бошқармаларидаги комсомол ташкилотлари ёшлар ўртасида тузук иш олиб бормаётирлар. Бунга бизнинг 3-қурилиш-монтаж бошқармаси комсомол ташкилотининг иши мисол бўла олади. Комсомол ташкилотининг секретари Ўртоқ Чернякнинг сўнгги бир неча ой давомида бизнинг 56 квартирали қурилиш объектимизда бирон марта бўлмаганлигини нима деб тушунса бўлади? Партия ташкилоти эса комсомол-ёшларнинг ҳаёти билан камдан-кам қизиқади.

Тўғри, трестимиздаги айрим қурилиш объектларида ёрдамчи ишчиларнинг турли бинокорлик касбини эгаллаб олишларига баъзи шарт-шароитлар яратилган. Масалан, Шота Руставели кўчасидаги 36 ҳамда 20 квартирали уй-жой объектида ёрдамчи ишчилар, шунингдек паст малакали бинокорларнинг малакасини ошириш мақсадида махсус курс ҳамда индивидуал ўқиш ташкил этилган. Курсда ҳамда индивидуал равишда ўқувчи бинокорларга тажрибали, махсус ўрта ва олий техника билимига эга бўлган ишлаб чиқариш раҳбарлари (прораб, мастерлар) лекция ўқимоқдалар. Машғулотлар ҳафтада икки марта қурилиш объектидаги қизиш бурчакда ўтказилади. Унда янги темир-бетон конструкцияларини йиғиш, бетон арматураларини тайёрлаш, қурилиш механизмларидан рационал фойдаланиш, суvоқ ва ғишт теришнинг янги прогрессив усулларини қўлланиш каби зарур темаларда суҳбатлар ўтказилади, ишчиларга методик қўлланмалар берилади. Ҳозир бу объектдаги ғишт терувчи ва дурадгорлик малака ошириш курсларини 27 киши тамомлаб чиқди. Бундан бир неча ой муқаддам шу объектга ёрдамчи ишчи бўлиб кирган Б. Шоюнусов, Ю. Раҳматуллаев, Ю. Пеньков, Л. Кишкин, Д. Левин сингари ўнлаб ёшлар 4, 5-разрядли моҳир ғишт терувчи, суvоқчи ва дурадгор бўлиб олдилар.

Афсуски, 36 ва 20 квартирали уй-жой қурилиши объектидаги бу яхши ташаббус, намуна бўлардик ишлар бошқа объектларда оммалаштирилмаётир.

Бинокорларимизнинг техника малакаси қанча юксак бўлса, ишимиз шунчалик тез илгарилайди, қурилиш сифати яхшиланади. Шу сабабли бинокорларнинг малакасини оширишга ёрдам берадиган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш керак. Бунинг учун, бизнингча, қурилиш трести ҳузурида аппаратдаги инженер-техник ходимларнинг актив ёрдамига суяниб, барча қурилиш объектларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда махсус ўқув курслари ташкил этиш лозим.

Кўпинча қурилиш объектларидаги прораб ва участка бошлиқлари бинокорлик ишларини тезлатишга қаратилган бирорта гоянинг ташаббускори бўладилару, лекин уни амалга оширишга келганда иккиланиб қоладилар. Агар ишда фойда берадиган, механизмлар қувватидан максимал фойдаланиш имкониятини туғдирадиган бирорта таклиф тушса, уни юқоридан қандайдир бир кўрсатмани кутмасдан амалга ошираверишга керак. Яқинда 36 квартиралик уй-жой қурилиши объектида шундай воқеа бўлди. Бетончилар бригадасининг бошлиғи Ўртоқ Салимов ўз бригадасининг иккинчи сменада ишлашини сўради. Шу вақтга қадар бутун объектда иш бир сменада олиб борилади. Бош прораб Ўртоқ Абрамов бригада бошлиғининг таклифини қабул қилиб, бетончи ва монтажчиларни иккинчи сменага ўтказди. Натижада мавжуд механизм воситаларидан — башняли кран ҳамда вертикал кўтарма механизмлардан, бетонномешалкалардан максимал фойдаланиш имконияти туғилди.

Ҳозирги вақтда айрим йирик қурилиш объектларида иш икки сменада ташкил этилмоқда. Масалан, бу усул Тошкент марказий меҳмонхона қурилишида намуналиг олиб борилаётир. Ишни икки сменада ташкил этиш ҳар томонлама мақсадга мувофиқдир. Маълумки, кўпгина қурилиш объектларида асосан битта башняли кран ишлайди. Бинонинг барча қаватлари кўтарилгач, ёрдамчи ишларнинг ҳажми кенгайиб, битта башняли кран билан ҳамма ишларни бажариш мумкин бўлмай қолади. Шу сабабли айрим бригадаларни, хусусан бетончи ва монтажчиларни иккинчи сменага кўчириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу, аввало меҳнат унумдорлигини оширади, механизмлардан янада унумлироқ фойдаланиш имкониятини туғдиради.

Шу муносабат билан яна бир нарсани айтиб ўтмоқчимиз. Ҳар бир қурилиш ташкилоти ўзининг автотранспорт базасига эга. Юк машиналаридан ва айниқса самосвалларидан унумли фойдаланиш учун бу ерда ҳам ишни икки сменада ташкил этиш анча фойдалидир. Кўпгина қурилишларга қум, ғишт, цемент, ёғоч ва бошқа бинокорлик материаллари ўз вақтида етказиб берилмайди. Бунинг асосий сабаби, бизнингча, автотранспортчиларнинг етишмаслигида эмас, балки улардан рационал фойдаланилмаётганлигидадир.

Шаҳардаги 64-автотранспорт базаси ишни икки сменада ташкил этиб, қурилиш ташкилотларини бинокорлик материаллари билан яхши таъминлашга эришмоқда. Лекин бизнинг 32-қурилиш трести қошидаги автобаза ҳанузгача икки сменалик ишга кўчгани йўқ. Бу ҳол кўпинча қурилиш объектларида ишни бир меёрда ташкил этиш имкониятини бермаётир. Бу ҳақда турли йиғилишларда жуда кўп гап бўлганлигини яхши билса-да, бироқ автобаза бошлиғи Ўртоқ Коваленко амалий чора кўрмаётир.

Автобазаларнинг раҳбар ходимлари қурилиш объекти билан яқиндан алоқа боғлаб турмайдилар. Шундай ҳодисалар ҳам бўладики, иш вақти тамом бўлгандан сўнг қум, шагал, ғишт, цемент ва бошқа бинокорлик материаллари ортилган ўнлаб машиналар қурилиш объектларига келадилар. Юкни тушиradиган ишчи кучи бўлмаганлигидан уларни базага қайтариб юборишга мажбур бўламиз. Бундай аҳволга қатъий хотима бериш учун автобаза ҳамда қурилиш ташкилотлари бир-бирлари билан узвий алоқада иш олиб бормоқлари керак. Шундагина қурилиш объектларининг бир меёрда ишлашига эришса оламиз.

А. АБДУРАҲМОНОВ.

32-трест 3-қурилиш-монтаж бошқармасининг инженери.

Ёш ёзувчилар семинари

Яқинда Ҳ. Олимжон номидаги адабиётчилар уйида Тошкент шаҳар ёш ёзувчиларининг навбатдаги машғулоти бўлди.

Семинарда ёш шоирлардан Олим Қўчқорбековнинг «Шеър ва масаллари», Ямин Қурбоновнинг «Қизиқ ҳангомалар», Юсуф Шомансуровнинг «Ғорн садоси» ва ёш ёзувчи Карим Раҳимовнинг «Дилбар» тўпламлари муҳокама қилинди.

О. Қўчқорбековнинг тўплами ҳақида филология фанлари кандидати, шоир Ўткир Рашид доклад қилиб, тўпламдаги асарларнинг ютуқ ҳамда камчиликларини кўрсатиб берди.

Я. Қурбоновнинг тўплами ҳақида Туроб Тўла доклад қилди. У тўпламнинг ютуқлари ҳақида тўхталди. Шунингдек у тўпламдаги айрим масаллар пишиб етилмаганлигини таъкидлаб, ёш авторга маслаҳатлар берди.

Н. Орифжонов, Ҳ. Салоҳлар, Ю. Шомансуров ва К. Раҳимовларнинг тўпламлари ҳақида сўзладилар. Музокарада сўзга чиққан ёш шоирлардан Ш. Ғуломов, Э. Охунова, Раҳимжонова, Б. Шокиров, Ҳ. Хўжаев, Н. Пардаевлар тўпламлар ҳақида ўз фикрларини айтдилар.

Ҳ. УЗОҚОВ.

Кўплаб дарахт кўчатлари ўтқазилмоқда

(Газетхонлар хатларига обзор)

Эрта баҳорданоқ шаҳар ва қишлоқларни кўкламзорлаштириш ишлари авж олиб кетди. Областимизнинг колхоз, совхоз ва шаҳарларидаги катта йўл ёқаларига, маданият ва истироҳат боғларига жуда кўп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди; янги мевазор, узумзор боғлар барпо этилмоқда. Редакцияга ана шу ишлар тўғрисида кўплаб хатлар келиб турибди.

Ўртоқ **У. Юсуфалиевнинг** ёзишича, Боёвут районидаги 1-«Боёвут» совхозининг 3-бўлим марказидан ўтадиган катта йўл ёқасига 5000 туп турли дарахт кўчатлари ўтқазилди. Сирдарё районидаги «Малик» совхози посёлкасидаги 11-мактаб атрофи ва йўл ёқаларига 1500 туп оқ терак, 800 туп акация, 2000 туп тол кўчатлари экилди. **А. Кўчаров** ёзиб юборган хатда, янги ўтқазилган бу дарахт кўчатлари барг ёзиб, яхши ривожланмоқда, дейилади.

Верхне-волинск районидаги 11-мактаб, Чиноз районидаги Пушкин номли мактаб, Мирзачўл районидаги «Первомаец» совхози, «Коммуна» колхозидан хабар ёзиб юборган **Қ. Хатамов, К. Давурбоев, Т. Муслимов** ва **Қ. Азизов** ўртоқлар ҳам жойларда ободончилик юзасидан кўпгина ишлар қилингани, кўплаб дарахт кўчатлари ўтқазилгани ҳақида гапирадилар.

Октябрь район «Шарқ юлдузи» колхозидаги катта йўл ёқалари, дала шийпонлари атрофига ўтқазилган терак, тол ва тут кўчатлари барг ёзиб, қишлоққа кўркам тус бермоқда. Бундан ташқари, деб ёзади **Ҳ. Бобожонов**, 4000 тупдан ортиқ мевали дарахт кўчатлари ҳам яхши униб, ўсмоқда. Шу райондан хабар юборган **Т. Жўрабоев** ҳам «Коммунизм» ва Сталин номли колхозларда олиб борилаётган кўкламзорлаштириш ишлари тўғрисида ёзган.

Тошкент тўқимачилик комбинати титиш цехининг мастери Туйғуной Абдураззоқова бошқараётган смена ўзаро мусобақада кўпдан бери биринчиликни эгаллаб келаётир. Март ойида бу коллектив пландан ташқари 10 минг килограмм титилган лента берди, апрель ойининг 10 кунида эса декада планини анча ортиғи билан бажарди. Фабрика комсомоллари ишбилармон Туйғуной ВЛКСМ XIII съездига делегат қилиб сайлади. **Суратда:** Туйғуной **Абдураззоқова** (ўртада) Раҳима **Қосимова** ва Тамара **Агишеваларга** топшириқ бераётир.

В. Лейзерович фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ишчи-ёшлар мактабларида таълим-тарбия ишларини яхшилайлик

Тошкент шаҳар, Октябрь районида 10 та кечки ишчи-ёшлар мактаби бўлиб, бу мактабларда 2527 ўқувчи таълим олаётир. Кечки ишчи-ёшлар мактабларининг ҳаммаси дурустгина биноларга жойлашган. Мактаблар кўпгина олий маълумотли ва тажрибали ўқитувчилар билан яхши таъминланган. Кўпгина кечки ишчи-ёшлар мактабларининг ишчан педагогик коллективи ёшларга пухта билим бериб, таълим-тарбия ишларини намунали йўлга қўйганлар.

Бу соҳада 23-кечки ишчи-ёшлар мактабининг иш тажрибаси анча мазмунлидир. Айниқса, мактабда ўқувчилар контингентини сақлаб қолишга алоҳида эътибор берилиб, бирорта ҳам ўқувчининг сабабсиз ўқишдан кетиб қолишига йўл қўйилмаган. Мактаб директори ўқитувчиларнинг дарсларини системали равишда анализ қилиб боради. Уларнинг дарсларини атрофлича таҳлил қилиб, тегишли методик ёрдамлар кўрсатиб туради. Бундан ташқари ўқитувчиларнинг бир-бирлари дарсларига кириб, тез-тез тажриба алмашиб туришлари махсус график асосида олиб борилади.

Шуни ҳам айтиш зарурки, мактабда юқоридаги ютуқлар билан бирга, таълим-тарбия ишлари соҳасида айрим камчиликлар ҳам бор. Бу камчиликлар асосан 10 «в», 8 «б», 9-«в» синфларида давомат ва ўзлаштиришнинг паст бўлишидир. Бу синф раҳбарларининг ўқувчилар ўртасида тарбиявий ишларни талаблаги даражада ташкил этолмаганликларидан дарак беради. Бундан ташқари баъзи фанлардан дарс соати кам бўлишига қарамай ўқитувчилар сони оширилиб, дарс соатлари ҳаддан ташқари майдалаб юборилган.

Шунингдек, 10, 15, 29-кечки ишчи-ёшлар мактабида ҳам ёш ишчиларга ўрта маълумот беришда ҳамон жиддий камчиликлар давом этиб келаётир. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётган ёшларнинг анчагина қисми 10-синфни тамомламасданоқ ўқишни ташлаб, мактабдан кетиб қолмоқдалар. Шунингдек, айрим ишчи-ёшлар мактабларида ўқув-тарбия ишлари бўшашиб, ўқувчилар давомати ва ўзлаштириши ҳаддан ташқари пасайиб кетганлигини кўриш мумкин.

31-кечки ишчи-ёшлар мактаби (директори М. Зиёдов) шундай мактаблардандир. Бу мактаб райондаги энг катта мактаблардан бири ҳисобланади. Унда ҳозир 200 га яқин ўқувчи таълим олмоқда. Аммо мактабда ўқув-тарбия ишлари ўқув йилининг биринчи ярмидаёқ жуда ачинарли аҳволга тушиб қолди. 28 ўқувчи мактабдан кетиб қолган. Айниқса, бир синфда икки йил ўқиётган 13 ўқувчидан 11 ёшнинг ўқишни эплай олмай, сабабсиз кетиб қолиши ачинарлидир. Мактабнинг 10 «б» синфи (синф раҳбари Ахроров), 7 «б» синфи (синф раҳбари Саидова), 6 синф (синф раҳбари Хўжаев) каби қатор синфларида давомат ва ўзлаштириш жуда паст.

Мактаб ва синф раҳбарларининг бепарволиги натижасида айрим ўқувчилар ҳозир ҳам ўқишни ташлаб кетмоқдалар. Давомат 60-70 процентдан ошмайди.

Ўқитувчи ўртоқ Саидова юқори синфларда тарихдан дарс беради, аммо ўқувчилар ўқитувчининг программа асосида берган саволларига тўла жавоб беролмайдилар. Уларнинг кўпчилиги маълум теманинг моҳиятини асосли равишда эгаллайолмаганлар. Бундай камчилик рус тили ўқитувчиси Лисичниковнинг дарсида ҳам учрайди. Мактаб ўқувчилари орасида етарли тарбиявий ишлар олиб борилмаётир. Бунинг натижасида ўқувчиларнинг тартиб интизоми бўшашиб кетган.

Маълумки, ўқитувчининг кундалик дарс плани пухта ўйлаган, маълум мақсадни кўзлаган, бир соатлик дарснинг энг муҳим тарбиявий қисмларини ўз ичига олган бўлиши зарур. Афсуски, бу мактабнинг кўпчилик ўқитувчилари кундалик планни синфга кириш учун «пропуска» деб шошма-шошарлик билан тузганлар.

Ўқитувчиларнинг қандай дарс ўтказаётганликлари ва синф раҳбарларининг иши назорат қилинмайди. Мактаб директори ярим йил давомида 3-4 соат, илмий бўлим мудири 17 соатгина дарс тинглаганлар. Бу дарсларнинг анализлари ҳам бир хил қолипда, пала-партиш бўлиб, улардан ўқитувчи ҳеч қандай манфаат ололмайди.

Ўқув йилининг биринчи ярим йилида 2527 ўқувчидан 409 таси кўп фандан ўзлаштирмаган. Айниқса 21, 7, 9-ишчи-ёрлар мактабида ўзлаштириш паст бўлиб, кундалик давомат 70-75 процентдан ошмайди.

10-ишчи-ёшлар мактабида ўқиётган ўқувчилардан Орифхўжаев (Чинни заводидан), Юсупов (Тошкент темир йўлидан), Собиров, Каримова, Қорахонова (Сталин номли артелдан) ўртоқлар дурустгина ўқиётган бўлиб, лекин корхона раҳбарлари томонидан уларга етарли шароит яратиб берилмаганлиги учун ўқишга келмай қўйдилар. Бундай ҳолни 31-ишчи ёшлар мактабида ҳам кўриш мумкин.

Мактаб директорлари, илмий бўлим мудирлари ва корхоналарнинг раҳбарлари биргаликда йиғилишлар ўтказиб туришлари, кечки ишчи-ёшлар мактабларининг фаолиятини яхшилашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқишлари зарур. Район ва ш. ҳар халқ маорифи бўлимлари кечки ишчи-ёшлар мактабларига яқиндан ёрдам беришлари, педагогик коллективларга оператив ва конкрет раҳбарлик қилишлари зарурдир.

М. РАҲИМОВ,
Тошкент шаҳар Октябрь район халқи маорифи бўлимининг методисти.

Маданият хроникаси

ВЕРХНЕ-ВОЛИНСК районидаги колхоз ва совхозлар радиолаштирилмоқда. Сўнгги вақтларда 12 колхоз ва совхозда радиоузел қурилиб, ишга туширилди. Қишлоқ меҳнаткашлари бу радиоузеллар орқали колхоз ва совхозлардаги янгиликлардан хабардор бўлмоқдалар, турли темаларда лекция ва суҳбатлар тингламоқдалар.

А. Қосимов.

* * *

ВРЕВСК қишлоқ хўжалик техникумининг ўқиш залида турли темаларда лекция ва суҳбатлар, китобхонлар конференцияси бўлиб туради. Яқинда II курс студентлари ёзувчи Абдулла Қаҳҳор ижодига бағишланган конференция ўтказдилар. Студентлардан П. Умурзоқов, С. Расулев, Ҳ. Лутфуллаевлар ёзувчининг ижоди ҳақида қизиқарли доклад қилдилар. Конференция кўнгилли ўтди.

М. Холдоров.

* * *

БЎСТОНЛИҚ районидаги Киров номли ўрта мактаб коллективи кекса ўқитувчилардан П. Соловьеванинг 30 йиллик, М. Бабаханьяннинг 25 йиллик педагогик фаолиятини қизғин нишонладилар. Посёлка клубига йиғилган 200 га яқин меҳнаткаш ҳурматли ўқитувчиларни қизғин қутлади. Юбилярларга мукофотлар тақдим қилинди. Мактаб бадиий ҳаваскорлари концерт қўйиб бердилар.

Э. Туркменов.

* * *

МИРЗАЧЎЛ районидаги 1-мактаб ўқувчилари шоир Ҳамид Олимжонга бағишланган конференция ўтказдилар. Ўқувчилар шоирнинг ҳаёти ва ижодига оид турли темаларда докладлар қилдилар, унинг бадиий асарларидан ўқидилар. Хор, рақс ва драма тўгарагининг аъзолари конференция охирида «Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим» спектаклини кўрсатдилар.

А. Султонов.

* * *

ОКТЯБРЬ районидаги 7-ўрта мактаб ўқувчилари Сталин номли колхоз аъзоларига ёрдам бериш ва деҳқончиликда тажриба орттириш мақсадида колхознинг 10 гектар ерига чигит экишни бошлаб юбордилар. Уларга кекса пахтакор Ж. Ҳўйдойберганов раҳбарлик қилмоқда.

Т. Жўрабоев.

* * *

ҚОРАСУВ районидаги 19-мактаб ўқувчилари устахонада дурадгорлик ҳунарини ўрганаётирлар. Устахона учун турли асбоб-ускуналар сотиб олинган.

Бундан ташқари мактаблаги фото, бадиий ҳаваскорлик, қўл ҳунари тўгаракларининг раҳбарлари ҳам ўқувчилар билан қизғин шуғулланмоқдалар. Ҳаваскорлар қўшиқ ва рақсларни яхши ижро этадиган бўлиб қолдилар. Улар мактаб ва колхоз клубида бир неча концерт кўрсатдилар.

И. Рустамов.

* * *

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги Киров номли колхозда турли тўгараклар ишлаб турибди. Яқинда тикувчилик тўгараги ташкил қилинди. Тўгарак машғулотларига 56 хотин-қиз иштирок этмоқда.

А. Пирметов.

* * *

ТОШКЕНТ. 119- мактабни ўз оталиғига олган «Главэкскаватор» заводи мактабда слесарлик ва дурадгорлик устахоналари қурилишига ёрдам берди. Устахоналар ишга туширилиб, ўқувчилар ишни бошлаб юбордилар. Шунингдек мактабга «Украина» маркали киноаппарат сотиб олинди. Яқинда ўқувчилар ўз клубларида кинофильм тамоша қиладилар.

Э. Шодмонов.

Сут соғувчи йигит

...Ҳисобот-сайлов йиғилиши президиумига сайланганлар орасида Зикир Файзиев ҳам бор эди. «Қани ўртоқлар, юқорига марҳамат...», дейилганда Зикир алланечук бўлиб кетди, атрофига алангглаб қараб олган бўлса ҳам гўё ҳеч кимни кўрмади. Унинг мажлис президиумида биринчи марта ўтириши эди. Бирдам ўзини ўнғайсиз сезди. Ёнида ўтирган — уста бригада бошлиғига, колхозда энг кўп ҳосил етиштирган звеновойга, колхоз боғини бир неча йилдан бери яшнатиб келаётган мўйсафид боғбонга бирма-бир қараб чиққач бироз дадиллашди. Шунда кўнглини аллақандай ғурур, ғайрат қитиқлади.

«Шунчалик ҳурмат яхши ишлаганим туфайлидан-да... — ўйлади у. — Бундан ҳам яхшироқ меҳнат қиламан энди...»

Бу пайт раис доклад қилмоқда эди. У чорвачилик тўғрисида гапираркан, Зикир Файзиевнинг номини биринчи бўлиб тилга олди.

— Зикир қизларимизга сут соғишда ўрнак бўлди, ўн сигирнинг ҳар биридан 2900 литрдан сут соғиб олди. Узоққа бормай кўзқолай аввалги йили шунақа сут берган сигир бизда бор эдими?

— Сигиру бор эди, — раис ўз саволига ўзи жавоб бериб гапда давом этди, — лекин сигирдан шунақа унум оладиган ғайратли кишилар чиққани йўқ эди.

Шундан кейин раис Зикирнинг ишини таърифлай бошлади. Кечагина кетмон чопиб юргани, трактorга сув ташиган пайтлари, ҳар бири 80-100 килограмм келадиган картошка қопларини мардона кўтаргани, мана бугун ўша азамат йигит сигир соғишда ҳам моҳирлик кўрсатаётганлиги тўғрисида сўзларкан, ўтирганлар бир-икки марта қарсак ҳам чалиб қўйишди. Зикир ўнғайсизланди, қулоқларигача қизариб кетгандай бўлди. Сабабки, у бунақа мақтовларни илгари эшитмаган, шу билан бирга, «қўлимдан келган ишни қилдим-да, ҳадеб мақтайверишнинг ҳожати йўқ, ахир...», деб қўярди у ўзига-ўзи.

Зикир шу бугунги мажлисда гапирмоқчи эди. У шу тўғрида ўйлаганда, юраги ҳовлиқар, кўнглига шундай гаплар, фикрлар келардики, қани энди бирма-бир айтиб ҳаммани ўзига қаратса. Афсуски, гапиришга, нутқ сўзлашга уқуви йўқлардан. Тўрт кишининг ўртасида гапиришга тўғри келиб қолган пайтларда, сўзга киришади-ю, ҳалиги кўнглида маржон сингари тизилиб турган фикрларни унутиб қўяди. Ахир ҳали фермада иш билан овора бўлиб юрганда, шу сўзларни артистдек ёдан айтаётган эди-ку. Нима бўлди...

Мажлис раиси — сўз энг илғор сут соғувчимиз Зикир Файзиевга, деганда у чўчиб тушди, ирғиб ўрнидан туриб кетганини билмай қолди, ҳаяжонга тўлган ҳолда трибуна ёнига борди, шу ерда бирдам тўхтаб ўзини «босиб олмоқчи» бўлди.

— Ўртоқлар, — у йўғон овозини дўриллатиб гапга киришди, — мен ҳали бунчалик мақтовга сазовор бўладиган иш қилганим йўқ, сигирлардан бундан ҳам кўпроқ сут соғиб олишим мумкин эди. «Лола» деган сигирим 4200 литр сут беribди, нега бошқалари шунчалик сут бермади. Мен ўйлайман, ҳали боқишни ўрнига қўёлмаётгандирман. Чунки, «Лола» кўринишда ҳам, жуссасининг бўлалигида ҳам, емхашак ейишда ҳам бошқа сигирлардан кам фарқ қилади. Бошқа сигирлар бор, иккита молнинг емини ейди-ку, сути унчалик кўп эмас. Мен бошқалар билан шу тўғрида маслаҳатлашдим. Уларнинг бири «шунақа қўмақай сигирлар бўлади, минг чўзганинг билан сутини кўпайтиримайди...» деса, бошқалар «қандай соғиш, соғишдан олдин сигирнинг авзойини билишда ҳам гап кўп...», дейишади. Мен шу кейинги фикрга қўшиламан. Дарҳақиқат, соғишдан олдин сигирни силаб-сийпаламасанг, олдига бир сиқим овқат ташлаб қўймасанг у яхши ийманди, елини чўчиб сутини тортиб туради. Синаб кўрдимда, бир хил сигирнинг олдига челакни кўтариб апил-тапил юриб бориб, орқа-ўнгинга қарамай соғишга киришсанг унинг елини кўтарилади, ҳақиқатда бор сутини бермайди, соғиб бўлиб ўрнингдан турай ганда ўша сигирга зеҳн солсанг елинини аста-секин бўшатаётганлигини кўрасан...

— Гапим чўзилиб кетди, — Зикир Файзиев олдин президиумга, кейин залга бир қаради, ҳамма унинг сўзига эътибор билан қулоқ солиб турарди. Шунинг учун дадил давом этди, — бошқалар ҳам шу зайлда ишласа, молини пўпалаб боқса, бирхил режимга ўргатиб олса, шу режимни ўзи ҳам ҳеч бузмаса ҳар қандай сигирдан кўп сут соғиб олиш мумкин!

Зикир Файзиев сўзининг охирида бошқаларни яна ҳам яхшироқ ишлашга чақирди ва ўзи шу райондаги донгдор сут соғувчи Ҳикоят Абдуллаевага тенглашишга ваъда берди. Мажлисдагилар унинг бу гапларини олқишладилар.

Яқинда биз колхозда яна бўлдик. Зикир Файзиев шу йилнинг биринчи кварталида ҳарбир сигирдан ўтган йилнинг шу вақтдагига қараганда бир ярим мартадан кўп сут соғиб олибди.

* * *

Калинин районидаги «Октябрь самараси» колхозида чорвачиликни ҳар тарафлама ривожлантириш, молларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун кейинги икки йилда яхши натижаларга эришилмоқда. Ўтган йили ҳар бир сигирдан 2500 килограммдан сут соғиб олинди, бу йил янада юқори кўрсаткичларга эришиш тадбирлари амалга оширилаётир.

С. МАҲКАМОВ.

Қишлоқ обод бўлмоқда

Пискент районининг кўрки ҳисобланган Булганин номли колхоз қишлоғи йилдан-йилга обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Илгари у Култепа қишлоғи деб аталарди. То 1940 йилгача ҳам колхозининг пахта майдони 400 гектардан, ундан олинадиган ҳосил 15-16 центнердан ошмаган эди. У пайтда қишлоқда кўрса кўз қувонадиган битта ҳам бино йўқ эди. Колхоз аъзолари ўз хўжаликларининг асосий ва етакчи даромад манбаи ҳисобланган пахтачиликни ривожлантириш билан бирга чорвачиликни ҳам ривожлантиришга, баҳорикор ерларда кўплаб галла маҳсулоти етиштириш учун қатъийдил ғайрат билан ишга киришдилар. Натижада колхознинг даромади ошиб, колхозчиларнинг моддий ва маданий аҳволи янада яхшиланди.

Колхоз 1956 йилда минг гектардан ортиқ пахта майдонида 24,8 центнердан ҳосил олди. Колхознинг умумий пул даромади 8,5 миллион сўмга етди, ҳар бир меҳнат кунига ўрта ҳисобда 15 сўмдан пул, 3,5 килограммлан галла ва бошқа маҳсулотлар тақсимланди. Колхознинг илғор бригадири Ҳакимполвон Қодировга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилди. Бригада механиги Сергей Коломейцев Ленин ордени билан ва бошқа жуда кўп колхозчилар орден ва медаллар билан мукофотландилар.

Чорвачилик ҳам мўл-кўл даромад манбаига айланиб бормоқда. Ҳозир колхозда чорвачиликнинг ҳамма турлари бўйича алоҳида фермалар ташкил этилган. Бу фермаларда 4 минг бошдан ортиқ қўйэчки, 457 бош қорамол, 250 бош йилқи, 700 дан ортиқ товуқ ва 54 бош чўчқа бор. Колхоз қишлоғида 10 гектар мевазор боғ ташкил қилинган. Сўнгги йиллар ичида 140 бош ситир сиғадиган молхона, 110 бош бузоқка мўлжалланган бузоқхона қуриб фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари хўжаликда сабзавотчилик ҳам йил сайин ривожланиб бормоқда. Колхозда деҳқончилик маданияти ўсмоқда. МТС ишчи, хизматчилари ҳам қишлоқнинг маданий ўсишига ҳар томонлама ёрдам бермоқдалар. Деҳқончилик ва чорвачилик ишлари тез суръатлар билан механизациялаштирилмоқда.

Айниқса кейинги уч-тўрт йил ичида қишлоқда ободончилик соҳасида жуда катта муваффақиятларга эришилди. Қишлоқ қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгармоқда, бу ерга келган киши янги типда қурилган уйларни, жамоат биноларини, осмонга бўй чўзган теракларни кўриб бениҳоя қувонади. Қишлоқ марказидаги клуб биноси атрофга зеб бериб турибди. 1957 йил мобайнида 20 колхозчи хонадонига типовой уй ва икки ерда болалар боғчаси учун бино қурилди. Колхоз ўзининг малакали ўқитувчилар коллективига эга. Қишлоқдаги ўрта мактабга шу ерда ўқиб ўсган Мажид Самадов директорлик қилади. Колхозда врач, агроном, зоотехник каби мутахассислар кўп. Республика олий ўқув юртларида ўнлаб колхоз кадрлари тарбияланмоқда.

Қишлоқ Ильич нури ва радиоточкалар билан тўла таъминланган. Колхоз клубида мунтазам кинофильм қўйиб турилади, турли темаларда лекция ва докладлар уюштирилади. Шу кунларда колхоз клуби гавжум. Колхоз агитаторлари СССР Олий Совети сессияси материалларини кенг колхозчилар оммасига тушунтирмоқдалар ва бу ишни бу йил ҳам мўл ҳосил етиштириш учун кураш ишига боғлаб олиб бормоқдалар.

М. ГАБИДУЛЛИН.

БОҒБОНЛАРГА МАСЛАҲАТ

Анор ва анжир ўстиришнинг йўллари

Анжир ва анор иссиқ иқлим шароитида ўсадиган ўсимлик ҳисобланади. Улар қишнинг совуқлиги 10-12° С дан ошмайдиган жанубий районларда катта дарахт шаклида ўсади. Қишда кўмилмайди. Шимолий районларда борган сари уларнинг бўйи пасайиб бутасимон ўсимликка айланади. Анжир ва анор 10-12°С совуқдан бошлаб зарарлана бошлайди. Шунинг учун уларни Ўзбекистон шароитида совуқдан сақлаш учун кузда кўмилади.

Анжир ва анорни Ўзбекистоннинг шимолий районларида, жумладан Тошкент областида, ҳавонинг ҳароратига қараб очилади. Агар ўсимлик кеч очилса тупроқ тагида узоқ ётиш натижасида унинг навдалари, куртаклари чиришдан ва бўрсиздан зарарланади. Кеч очилган ўсимликларнинг ривожланиши ҳам кечикади, меваси кеч етилади. Куз эрта тушган йиллари кўпчилик мевалар пишмай қолади. Натижада кеч очилган ўсимликларнинг ҳосили камаяди, бундан ташқари тупроқ тагида ривожлана бошлаган мева куртаклари ва янги ўса бошлаган навдалар очиш вақтида кўплаб нобуд бўлади.

Очилган ўсимликлар дарҳол кўздан кечирилади ва синган, совуқдан зарарланган ҳамда касалланган шох, навдалари олиб ташланади. Сўнгра 0,7-1 метрли калта тирговичлар билан шохлари кўтариб қўйилади.

Анжир ва анорни очгандан сўнг тупроқни 20-25 сантиметр чуқурлигида ҳайдаш, дарахтлар орасини эса чопиш керак. Ёз давомида тупроқни бегона ўтлардан тозалаб юмшатиб турилади.

Ёз давомида илдиз бўғзидан кўкарган бачки навдалар ўсган сари 2-3 марта олиб ташланади. Бундан ташқари июль ойларида шу йилги ўсган чалкаш, зич, нимжон ва кераксиз навдаларини ҳам 1-2 марта кесиб ташланади. Бу тадбир ўсимликларнинг ҳаводан, қуёш нуридан яхши фойдаланиб, мева ва навдаларнинг ўз вақтида пишишига ва мевалар сифатининг яхшиланишига ёрдам беради.

Анжир ва анорни ўтқазилган йили бутун қилинадиган агротехника ишлари уларни тўла кўкартириш ва яхши ўстиришга қаратилиши керак. Дастлабки йили ҳавонинг ҳарорати, ёғингарчилик, ер ости сувларининг жойланишига қараб 8-9 марта суғорилади. Ҳосилга кирган ўсимликларни эса 5-7 марта захлатиб суғорилади. Ҳар қайси суғоришдан сўнг суғориш ариқлари ва тупларининг атрофи юмшатилади. Суғоришни сентябрь ойининг бошларида тўхтатилади. Бундан кечикиб берилган сув ўсимлик навдаларининг яхши пишишига тўсқинлик қилади, яхши пишмаган навда ва шохлар эса қиш давомида зарарланади.

Анор ва анжирнинг ёш даврида қатор орасига 3-4 йил давомида экин экиб фойдаланиш мумкин.

Анжир ва анорни 3 ёшигача ҳар бир туп учун 80-120 грамм соф азот, 40-60 грамм соф фосфор ва 40 грамм соф калий солиб озиқлантирилади.

Ҳосилга кирган анжирзор ва анорзорга бошқа экин экилмайди. Қатор оралари шудгорлаб қўйилади ёки икки йилда бир марта кечки дуккакли экинлар (мош, нўхот) экиб кузда уларни кўкат ўғити сифатида ҳайдаб юборилади. Ҳосилга кирган анжир ва анорга ҳар йили гектарига 120 килограмм соф азот, 90 килограмм соф фосфор, 50 килограмм калий ҳисобида минерал ўғит ва 10 тонна ҳисобида чириган ғўнг солиш керак. Чириган ғўнг, фосфор ва калий ўғити бир марта кузда ёки эрта баҳорда ҳайдашдан олдин, азот ўғитини эса икки марта эрта баҳорда ва июнь ойида солинади ва кетидан суғорилади. Бир муддатда озиқлантирилганда ўғитларни аралаштириб солинади.

Тажрибали колхозчи деҳқонлар анжирнинг мевалари йирик ва ширали бўлиши учун унинг навдалари ўсишдан тўхтаб, мевалари пиша бошлаганда ғўнгни «шарбат» сифатида берадилар.

Нима учун анорнинг гуллари кўплаб тўкилади, нима учун мевалари ёрилади ва буларга қарши қандай курашиш керак, деган саволлар туғилади. Қуйида шу саволларга жавоб қайтаришга ҳаракат қиламиз.

Анор бир уйлик, икки жинсли ўсимликдир. Яъни унда икки хил гул бўлади. Буларни ташқи кўринишдан ажратиш жуда осон. Бирининг бўйи узун, кўвача шаклида бўлиб, гул тугунчаси ва оналик аъзоси яхши тараққий этган бўлади. Булар ургочи гуллар бўлиб, оталанганларидан сўнг мева берадилар. Иккинчиси учбурчак шаклда бўлиб, гул тугунчаси ва оналик аъзоси яхши тараққий этмаган бўлади. Булар эркак гул ҳисобланадилар. Табиийки, эркак гуллар мева бермай тўкилиб кетадилар. Демак, бундай гулларнинг кўплаб тўкилишидан ташвишланмаслик ҳам мумкин.

Анорнинг гуллаши бошқа мева ўсимликларига ўхшаш қисқа муддатда ўтмай, балки 60-70 кун давом этади. Анорнинг гуллаши май ойининг ўрталаридан бошланиб, июлнинг охирларигача давом этади. Баъзан ёш ўсимликларда октябрь ойларида ҳам гул бўлиши мумкин. Гуллаш даврининг бошларида асосан ургочи — мева берувчи гуллар пайдо бўлади. Сўнгра июнь ойининг охирлари, июль ойининг бошларида ургочи гуллар билан бир қаторда эркак гуллар ҳам пайдо бўла бошлайди. Бу давр гуллашнинг энг қизғин даври бўлиб 30-35 кун давом этади. Демак, анордан мўл ҳосил олиш ургочи гулларнинг кўплаб пайдо бўлишига ҳам боғлиқ экан. Ургочи гулларни кўплаб сақлаб қолиш учун ҳамма агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш шарт.

Шуни эслатиб ўтиш керакки, анорнинг ҳосил берган новдаларидан тайёрланган қаламчалар унинг илдиз бўғзидан ўсган бачки навдалардан тайёрланган қаламчаларга нисбатан серҳосилли кўчат беради. Шунинг учун қаламчаларни бачки навдалардан олиш мақсадга мувофиқ эмас.

Гуллашнинг узоқ давомлилигига қараб, анор мевалари ҳам турли муддатларда пишади. Эрта пайдо бўлган ургочи гулларнинг мевалари катта бўлиб, сентябрнинг бошлари-ўрталарида етилади, сўнгги даврда пайдо бўлган гуллардан кичик мевалар бўлади, улар кеч пишади. Шунинг учун меваларнинг пишишига қараб уларни танлаб-танлаб 2 марта узиб олиш керак.

Маълумки, анорнинг меваси сентябрь ойларидан, октябрь ойларида ёрила бошлайди. Уларнинг ёрилиши шу даврдаги кеча ва кундуз орасидаги ҳароратда катта тафовут бўлиши ҳамда мевалар ўсаётганда узоқ вақт суғоришни тўхтатиб, сўнг улар пиша бошлаганда суғориб юборилиши натижасида кўплаб содир бўлади. Меваларнинг пўстлоғи ўсишдан тўхтагандан сўнг суғорилса, уларнинг доғи сув натижасида катталашади, натижада ичдан бўлган босим таъсирида мева пўстлоғи ёрилади.

Ёрилган меваларни камайтириш учун эрта етилган меваларни сентябрнинг охирларида, ҳали улар ерилмасдан олдин танлаб терib олиш зарур. Суғоришни тартиб билан, яъни ўсимликларни узоқ вақт қақратиб қўймасдан, бир хил муддатларда ўтказиш керак. Сентябрнинг охирлари ва октябрь ойларида анорни суғориш ярамайди. Мана шу тадбирларни амалга оширганда анор меваларининг ёрилишини камайтириш мумкин.

Анжир ва анорни кузда кўмишдан олдин кўмиш учун қийинчлик туғдирадиган шохларини, зич ва чалкаш навдаларини кесиб олинади ва улардан қаламчалар тайёрланади. Бу иш кузда қаттиқ совуқлар тушмасдан олдин октябрь ойида бажарилиши лозим.

Ўзбекистоннинг шимолий районларида анжир ва анор октябрь охири ва ноябрь бошларида кўмилади. Буларни кўмганда шохларига зарар етказмай арқон билан ўраб сиқилади ва аста-секин туплар оралигига ётқизилади. Сўнгра устига қуруқ қамиш ёки похол солиниб 20-25 сантиметр қалинликда тупроқ билан кўмилади. Анжир ва анор кўмилганда уларнинг навдаларига ҳам тупроқ ёпишмаслиги керак. Ёш (1-3 ёшли) ўсимликлар кўмилганда уларнинг тагига ҳам қуруқ похол ёки қамиш солиш лозим. Чунки ёш ўсимликларнинг навдалари совуққа ва намликка чидамли бўлмайди. Кўмилган ўсимликларни қиш давомида бир неча марта текшириш, очилиб қолган жойларини беркитиш зарур.

Анжир ва анорни кеч куз ва қиш ойларида 2-3 марта ҳар гектарига 1500-2000 кубометр ҳисобида яхоб бериб суғорилса натижа яхши бўлади.

Кўрсатилган тадбирларни амалга оширилган жойларда анжир ва анордан юқори ҳосил олишга эришилади.

Х. АМИНОВ.
Ўзбекистон қишлоқ хўжалик академияси Р. Р. Шредер номидаги боғ ва узумчилик институтининг илмий ходими.

Спортчилар кечаси

Яқинда Тошкент тўқимачилик комбинатининг Маданият саройида комбинат спортчи ёшларининг кечаси бўлиб ўтди.

Кечани фабрика комитети раисининг ўринбосари Попова кириш сўзи билан очди. Комбинат физкультура ва спорт кўнгилли жамияти раиси Ёчкин кеча қатнашчиларига комбинатда физкультура ва спорт ишларининг аҳволи ҳақида сўзлаб берди. Шундан сўнг спортчилардан Салямова, Курепин, комбинат бошланғич комсомол ташкилотининг секретари Шермуҳамедов, Марказий «Меҳнат» кўнгилли спорт жамиятининг раиси Алиев ўртоқлар сўзга чиқиб комбинатда физкультура ва спорт ишларини янада яхшилаш тадбирлари ҳақида гапирдилар ва Москвадаги «Урог ва болга» металлургия комбинати спортчи ёшларининг мурожаатини қўллаб-қувватлашга чақирдилар.

Йиғилиш қатнашчилари ана шу мурожаатга жавобан корхона ва тармоқ спортчи ёшларига, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларига кўнгилли физкультура ва спорт жамиятлари ишларини янада яхшилаш юзасидан мурожаат қабул қилдилар.

Кечанинг бадиий қисмида ёшларнинг танца ва турли оммавий ўйинлари бўлди ҳамда бадиий фильм кўрсатилди.

———

☆ ☆ ☆

Калинин районидаги Карл Маркс номли колхоз теплица хўжалиги бутун йил давомида шаҳар аҳолисига қўплаб сабзавот ва бошқа полиз экинлари етиштириб бермоқда. Суратда: колхознинг илғор аъзоси Р. Аббосова етилган бодирингларни шаҳардаги колхоз дўконига жўнатиш учун тайёрламоқда.

Ҳ. Ҳайтмуҳамедов фотоси.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

☆ ☆ ☆

Йўлдошни фотографик кузатиш

10 апрелда Штернберг номидаги Давлат астрономия институтида Ер сунъий йўлдошининг ҳаракатини фотографик кузатишга бағишланган Бутуниттифоқ кенгаши очилди. Кенгашни СССР Фанлар академиясининг Астрономия кенгаши чақирди.

Совет Иттифоқида мамлакатнинг турли қисмларида жойлашган 25 станция йўлдошни фотографик кузатиш билан шуғулланмоқда. Кенгашда қатнашиш учун Пулково, Бюракан, Абастуман, Тошкент обсерваториялари астрономлари ҳамда иттифоқчи республикалар академияларига қарашли бошқа обсерваториялар астрономлари Москвага келдилар.

Кенгашни Астрономия кенгашининг раиси, СССР Фанлар академиясининг корреспондент-аъзоси А. А. Михайлов очди. Сўнгра жойлардан келган илмий ходимлар Ер иккинчи сунъий йўлдошини фотографик кузатиш тажрибаларини айтиб бердилар.

Йўлдош ҳаракатини ўрганишнинг фотография усули визуал кузатишларга қараганда анча аниқроқ маълумотлар олишга имкон берганлигини станцияларнинг тажрибаси кўрсатиб турибди.

Кенгаш уч кун давом этади.

(ТАСС).

ҲАР ТЎҒРИДА

Типратикон — балиқ

Бўйи 25 сантиметрча бўлган бу кичкина балиқ тропик денгизларда яшайди. Унинг устидаги тангачалари қаттиқ ўткир игнага айланиб кетган. Шунинг учун ҳам у типратикон-балиқ ёки жайра-балиқ деган ном олган.

Типратикон ва жайраларнинг ниналари махсус мускулатуралар ёрдамида кўтарилади. Типратикон балиқ организмида эса бундай мускулатура йўқ. Бирорта хавф туғилиб қолса бу балиқ сув ёки ҳаво ютади. Натижада у шишиб ниналари шарга айланади. Жуда хавфли минутларда ўзини шиширib олган майда типратикон балиқлар бир ерга тўпланиб, катта тиканак шар ҳосил қиладилар. Энг катта ваҳший ҳайвон ҳам бундай шарни юта олмайди. У чувалчанг ва майда денгиз қисқичбақасини еб тирикчилик қилади.

Типратикон балиқ яхши суза олмайди. Шу сабабли у бир жойдаги овқатни еб тамомлаганидан сўнг сув юзига чиқиб ҳаво ютиб шар шаклига келади. Сўнгра денгиз оқими ёки шамол уни бошқа жойга элтиб ташлайди. У яна сув тагига кириб, овқат топиб еяверади.

Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг III курс студенти Б. Собиров Москвада бўладиган ўзбек адабиёти ва санъати декадасига янги асарлар тайёрламоқда. Суратда: Б. Собиров ўзининг янги асари устида ишламоқда.

Х. Исроилов фотоси.

Сиртдан ўқиб педагог бўлдилар

Яқинда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида сиртқи бўлим студентларининг институтни тамомлашлари муносабати билан йиғилиш ўтказилди. Ҳаммаси бўлиб, сиртқи бўлим студентларидан 692 кишига олий маълумотлилик дипломи берилди. Шу жумладан 24 киши имтиёзли диплом олди. Аълочилар орасида география ўқитувчилари Х. Ёрматов, Ф. Курмаева, Ш. Мурзина ва бошқа ўртоқлар бор.

Олий маълумотли бу ўқитувчиларга республика мактабларида ишлаш учун йўлланма берилди.

Г. НАБОЙШЧИКОВ.

СССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРИНИНГ БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛИШИ

ҚОҲИРА, 10 апрель. (ТАСС). Бирлашган Араб Республикаси ҳукуматининг таклифига мувофиқ, бу ерда меҳмон бўлиб турган СССР Қишлоқ хўжалик министри В. В. Мацкевич ва Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министри Ж. Хоназаров мамлакат билан ва миср халқининг ҳаёти билан танишмоқдалар.

Улар Қоҳирада миср пахтаси халқаро ярмаркасининг очилиш маросимида ҳозир бўлдилар ва ярмаркадаги экспонатларни кўздан кечирдилар. В. В. Мацкевич ва Ж. Хоназаров Бирлашган Араб Республикаси Миср районининг Экономика ва савдо министри Қайсуний ҳамда Миср райони Қишлоқ хўжалик министри Марен ҳузурида бўлдилар ва улар билан узоқ суҳбатлашдилар. Суҳбатлар дўстона ва самимий вазиятда ўтди.

Совет меҳмонлари Гизада пахтачиликни ривожлантириш Давлат илмий марказида бўлдилар ва тажриба участкаларини ҳамда лабораторияларни, шунингдек Қишлоқ хўжалик министрлигининг давлат тажриба фермаларини қизиқиб кўздан кечирдилар.

В. В. Мацкевич ва Ж. Хоназаров мамлакат бўйлаб саёҳат қилдилар.

———

БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЯНГИ ДАВЛАТ БАЙРОҒИНИ КЎТАРИШ ТАНТАНАЛИ МАРОСИМИ

ҚОҲИРА, 10 апрель. (ТАСС). Бирлашган Араб Республикасининг пойтахти Қоҳирада Республика саройи олдидаги майдонда бугун Бирлашган Араб Республикасининг янги давлат байроғини кўтариш тантанали маросими бўлди. Маросимда Бирлашган Араб Республикасининг вице-президенти ва қуролли кучлар бош қўмондони маршал Абдул Ҳаким Амир, Республика президенти ишлари давлат министри Али Сабрий ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Шу кундан бошлаб республика президентининг резиденцияси, шунингдек Бирлашган Араб Республикаси давлат муассасалари ва бошқармаларининг бинолари устида Бирлашган Араб Республикасининг янги байроғи кўтарилган. Сувайш канали маъмуриятининг правлениеси ва унинг бўлимлари, Миср кемалари, ҳарбий кораблари ҳамда Бирлашган Араб Республикаси қуролли кучларининг қисмларида ҳам Бирлашган Араб Республикасининг уч рангли байроғи кўтарилган.

———

ГДР, ПОЛЬША ВА ЧЕХОСЛОВАКИЯ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛАРИНИНГ КЕНГАШИ ОЧИЛДИ

ПРАГА, 10 апрель. (ТАСС). Чехословакия телеграф агентлигининг хабар беришича, бугун Прагада Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси ва Чехословакия Республикаси ташқи ишлар министрларининг кенгаши очилган. Кенгашда бу уч давлатни қизиқтирган умумий масалалар қараб чиқилади.

Музокараларда ГДР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ва Ташқи ишлар министри Лотар Больц, Польша Халқ Республикаси Ташқи ишлар министри вазифасини адо этувчи Мариан Нашковский ва Чехословакия Республикасининг Ташқи ишлар министри Бацлав Давид иштирок қилмоқдалар.

КХДР ҳукуматининг баёноти

ПХЕНЬЯН, 10 апрель. (ТАСС). Совет Иттифоқининг атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисидаги қарори муносабати билан бугун Корея Халқ-Демократик Республикаси Министрлар кабинетининг мажлисида баёнот қабул қилинди.

Баёнотда бундай дейилади: СССР Олий Совети атом ва водород қуроли синовларини ҳамма ерда тўхтатишга амалий асос қўйиш ва бу билан инсониятни атом уруши хавфидан қутқариш йўлида биринчи қадам қўйишга астойдил интилиб, 1958 йил 31 мартда Совет Иттифоқида атом ва водород қуроли ҳамма турларининг синовларини тўхтатишга қарор қилди. Совет ҳукумати СССР Олий Советининг қарорини бажариш юзасидан ана шу қурол синовларини 1958 йил 31 мартдан бошлаб тўхтатишга қарор берди.

Корея Халқ-Демократик Республикаси ҳукумати атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш ҳозирги халқаро вазиятда бутун инсониятни қизиқтираётган энг зарур масала эканлигини таъкидлаб, дунёдаги тинчликсевар халқлар атом ва водород қуроли синовларини сўзсиз ва дарҳол тўхтатишни қаттиқ талаб этаётганликларини ўқтириб ўтади.

Баёнотда таъкидлаб ўтилишича, Совет Иттифоқининг кейинги йилларда атом қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисида халқаро битимга келиш йўлида зўр бериб ҳаракат қилиб келаётганлиги бутун дунёга маълум. Аммо, ғарб давлатлари Совет ҳукуматининг самимият билан тинмай қилиб келаётган ҳаракатларига ижобий муносабатда бўлиш ўққда турсин, балки аксинча, ядро қуроли билан қуролланишни янада кучайтириш мақсадида очиқдан-очиқ ҳар қандай найранглар ишлатмоқдалар. Баёнотда бундай дейилади: Америка Қўшма Штатларининг Тинч океан оролларида атом қуроли синовларини давом эттириш ниятида эканлиги, АҚШнинг фармойишига мувофиқ, Ғарбий Германиянинг ўз армиясини атом ва ракета қуроли билан қуроллантириш юзасидан яқинда кўрган тадбирлари буни яққол исбот этади. Буларнинг ҳаммаси, дейилади баёнотда, халқаро вазиятни янада кескинлаштиради, холос.

Яна бунинг устига АҚШ Кореяда яраш тўғрисидаги битимни сурбетларча бузиб, Жанубий Кореяга атом қуроли юбормоқда, Кореянинг тинч йўл билан бирлашувига халақит бериш ва Жанубий Корея армиясини атом қуроли билан таъминлаб, Узоқ Шарқдаги вазиятни кескинлаштириш учун уринмоқда.

Ҳозирги халқаро вазиятда, зўр бериб қуролланиш давом этаётган бир пайтда ва ғарб давлатлари ўтказиб келаётган сиёсат натижасида атом уруши хавфи кучайиб бораётган бир пайтда, ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш сира ҳам кечиктириши мумкин бўлмаган энг зарур вазифадир.

Корея Халқ-Демократик Республикаси ҳукумати ҳозирги жиддий пайтда атом ва водород қуролининг ҳамма турларини синаб кўришни тўхтатган Совет Иттифоқининг ташаббуси бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига қўшилган янги катта ҳисса эканлигини таъкидлаб, бу ташаббусни қизғин табриклайди ва уни тамомила маъқуллайди.

Ҳозирги вақтда фақат уч давлат — СССР, АҚШ ва Англиянинг ядро қуролига эга эканлигини ва ядро қуроли синовларини СССРнинг бир ўзигина тўхтатганлигини эътиборга олганда, ана шу қуролнинг ҳамма турлари синовларини тамомила тўхтатиш тўғрисида ҳалқаро битимга келишни енгиллаштирадиган қулай шарт-шароит вужудга келмоқда.

Корея Халқ-Демократик Республикаси ҳукумати, деб ўқтириб ўтилади баёнотда, АҚШ ва Англия ҳам Совет Иттифоқининг ташаббусига қўшилсинлар ва инсониятни атом уруши хавфидан қутқазиш соҳасида биринчи самарали тадбирни амалга оширишга ўтиш учун имконият туғдирсинлар, деб талаб қилади.

Жамила Бухиред Жазоир турмасидан Франция турмасига ўтказилади

ПАРИЖ, 11 апрель. (ТАСС). «Круа» газетаси қуйидагиларни билдиради: Франция юстиция министри ҳозирги вақтда Жазоир турмасида сақланаётган жазоирлик ватанпарвар Жамила Бухиредни Франция турмаларидан бирига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган. Газетанинг маълумотларига қараганда, яқинда ўлим жазоси катортга ишлари билан алмаштирилган жазоирлик бошқа ватанпарвар хотин-қизларга нисбатан ҳам ана шундай чора қўлланилади.

«Круа» газетаси бу қарорни Франция ва халқаро жамоатчилигининг Жамила Бухиреднинг турмада ҳозирги вақтда гоят оғир шароитда сақланаётганлигига қарши норозиликлари билан боғлайди.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

◆ **Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Ф. Трошников бошчилигида совет олимларининг катта бир группаси «Кооперация» пароходида Сувайшга келдилар. Улар Антарктика экспедициясидан ватанга қайтиб бормоқдалар. Бирлашган Араб Республикаси илмий доираларининг намояндалари совет олимларини самимий табриклидилар.**

◆ **Шу йилнинг биринчи кварталида Корея Халқ-Демократик Республикасида дориворлар ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки баравардан зиёд ўсди. Фармацевтлар мамлакатга давлат квартал планида кўрсатилгандан ташқари 13 миллион вонлик дори-дармон бердилар.**

◆ **Қоҳирадаги Миср пахтаси халқаро ярмаркасида хотин-қиз кийимларининг совет моделлари намойиш қилинди. Бу моделлар тамошабинлар орасида катта қизиқиш туғдирди.**

◆ **Реймсда (Франция) француз йигити Люсьен Матье қамоқда олинди. У собиқ гитлерчи генерал Шпейдель қўмондонлиги остида хизмат қилишдан бош тортган. Люсьен Матье Шпейдель қўмондонлиги остида хизмат қилишдан бош тортганлик учун тюрьмага ташланган йигирманчи ватанпарвардир.**

◆ **Осакада (Япония) музика ва бошқа хил санъат халқаро фестивали очилди. Фестивалда 8 мамлакат, шу жумладан Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси, Америка Қўшма Штатлари ва бошқа мамлакатлар қатнашмоқда. Яқинда Японияга етиб борадиган Ленинград симфоник оркестри фестивалда қатнашади.**

10 апрель. (ТАСС).

Совет-венгер дўстлигини мустаҳкамлаш ишига қўшилган катта ҳисса

Совет Иттифоқи Партия-Ҳукумат делегациясининг Венгрияда бўлиши тўғрисида венгер матбуотининг ёзганлари

БУДАПЕШТ, 10 апрель. **(ТАСС махсус мухбири).** Будапештда чиқадиган ҳамма газеталар бугун Совет Иттифоқи Партия-Ҳукумат делегациясининг Венгрияда бўлишига бағишланган катта материалларни, Н. С. Хрушчевнинг Венгрия Халқ Республикаси Фанлар академиясида ва Чепель металлургия комбинатида сўзлаган нутқларини, Я. Кадарнинг Чепелдаги митингда сўзлаган нутқини, Ф. Р. Козловнинг Ленин номидаги Диошьер металлургия комбинатида сўзлаган нутқини босиб чиқардилар. Газеталар Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси Партия-Ҳукумат делегациялари ўртасида олиб борилган музокараларнинг якунлари тўғрисидаги Қўшма баёнотни ва Н. С. Хрушчевнинг венгер олимлари ҳамда Будапешт меҳнаткашлари билан учрашувлари тўғрисидаги хабарларни ҳам эълон қилдилар.

«Непсабадшаг» газетаси совет меҳмонларининг венгер меҳнаткашлари билан учрашувлари гоят самимий тусда бўлиб, венгер-совет бузилмас дўстлигини нишонлади деб таъкидлайди.

«Непсава» газетаси Партия-Ҳукумат делегациясининг Чепель меҳнаткашлари билан бўлган гоят самимий учрашуви тўғрисида ҳабар бериб, бу учрашувни қизил Чепелдаги унутилмас байрам деб атайди.

Ҳамма газеталар Совет Иттифоқи Партия-Ҳукумат делегациясининг Венгрияда бўлиши ҳар томонлама венгер-совет муносабатларини мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш ишига, ўз халқларининг қардошлик дўстлигини мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса бўлиб қўшилди, деб таъкидламоқдалар.

———

ШАХМАТ

СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

Олмаота шаҳрида СССР биринчилиги учун ўтказилаётган зонал мусобақаларнинг 6, 7 ва 8-турлари ўйналди.

Олтинчи турда Ўзбекистон вакиллари Муҳитдинов билан Бирбрагер учрашди. Ўйинда хатога йўл қўйгани туфайли Муҳитдинов рақибига ютқизиб қўйди. Шунингдек, Мухин Грушевскийга, Старостин Носковга ва Голяк Уфимцевга ютқизди.

8-турдан сўнг 6 имкониятдан 5,5 очко (икки ўйин кечиктирилган) тўплаган спорт мастери Жуховицкий (Молдавия) олдинда бормоқда.

———

Телевизор экранида

12 АПРЕЛДА

19.30. Кичик ва ўрта ёшдаги болалар учун ўзбек тилида «Бизнинг мактабга келинг» деган эшиттириш.

20.10. Киножурнал.

20.20. Ўзбек тилида Заҳириддин Бобир ижодига бағишланган адабий эшиттириш.

20.40. Бадиий фильм — «Кўприк».

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Буюк рус драматурги

(А. Н. Островский туғилганига 135 йил тўлиши муносабати билан)

<>

Александр Николаевич Островский рус адабиётида фахрли ўринлардан бирини эгаллайди. Островскийнинг буюк хизмати шундаки, у рус миллий драматургиясини янги, янада юқори босқичга кўтарди ҳамда ўзининг ажойиб пьесалари билан рус драматургиясига бебаҳо ҳисса қўшди.

Рус миллий театрининг энг яхши традицияларини изчил давом эттирган ва бу традицияларни янги шароитда ривожлантирган Островский саҳна санъатини янада тараққий эттиришнинг ёрқин перспективасини белгилаб берди.

Буюк драматургнинг ижодий мероси бой ва кўпқирралидир. У 47 та оригинал саҳна асари яратди, бошқа драматурглар билан ҳамкорликда 7 та пьеса ёзди. Бундан ташқари, инглиз, француз, итальян, испан ва лотин тилларида ёзилган 20 дан ортиқ пьесани рус тилига таржима қилиб, бошқа халқларнинг турмуши ва маданияти билан рус халқини яқиндан таништиришда катта хизмат кўрсатди.

А. Н. Островскийнинг дастлабки асарлари 1847 йилда «Москва шаҳар варақаси» газетасида нашр қилинади. Унинг «Қарзини тўлашга қурби етмаган қарздор», «Оилавий бахт давҳалари» каби асарлари шулар жумласидандир. Бу асарларда драматург катта савдогарлар, приказчик ва мешчанлар ҳаётини, уларнинг жамиятдаги бошқа синфларга бўлган муносабатини кўрсатишга ҳаракат қилади.

Маълумки, XIX аср ўрталарига келиб Россияда капитализм жуда тез ривожлана бошлади, синфлар ўртасидаги зиддият кучайди, деҳқон ғалаёнлари авж олабошлади. Бу ҳолат ғоявий-сиёсий курашни янада ўткирлаштиришга олиб келди. Самодержавие-крепостнойлик тузумининг тарафдорлари билан жамиятнинг илғор, прогрессив кучлари ўртасида шиддатли кураш борди. Ёш драматург Островскийнинг дунёқараши ана шу кураш жараёнида шакллана бошлади. Айниқса, революцион-демократлардан Белинский билан Герценнинг кучли таъсири остида Островскийнинг ғоявий ва эстетик қарашлари мустаҳкамланиб борди.

Ўз адабий фаолиятини сатирик сифатида бошлаган Островскийнинг биринчи саҳна асарларида кўпинча жамиятдаги ёмон томонлар, салбий типлар, оила ҳамда ижтимоий муносабатдаги чексиз жабр-зулм, қабиҳлик ва разолат қаттиқ танқид қилинди. Драматург буржуа синфининг социал моҳиятини очиб ташлайди ва фош қилади, мол-дунё тўплаш мақсадида ўз қизларини сотиб юборган бераҳм оталарнинг, ҳар қандай ғайрилакардликдан тап тортмайдиган мунофиқларнинг барча ярамас қилмишлари устидан заҳарханда билан кулади.

А. Н. Островскийнинг юксак маҳорат билан ёзилган «Банкрот» комедияси уни кенг китобхонлар оммасига танитди, унга шон-шуҳрат келтирди. Илғор рус жамоатчилиги бу асарни зўр қизиқиш билан кутиб олди. Комедиянинг катта муваффақият қозонганлигининг сабаби шундаки, драматург ўз асарида рус савдогарларининг типик образларини яратган, «қоронғи зулмат» кишилари ҳаётини бутун ижтимоий-чиқиригача, тўла ва ҳаққоний тасвирлаб беришга муяссар бўлган. «Банкрот» ёки кейинчалик «Қўйнидан тўкилса қўнжига» деб аталган бу комедия орқали Островский ўзининг катта талант эгаси эканлигини исбот этди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Островскийнинг ижоди бир текисда давом этмади, унинг ижодида айрим чекинишлар ҳам бўлди. 1850 йилдан бошлаб у ўз асарларини «Москвитянин» журналида чиқара бошлайди. Бу ерда драматург журналнинг реакцион ходимлари билан яқинлашади. Бу ҳол Островский ижодига салбий таъсир кўрсатди ва натижада у «Камбағаллик айб эмас», «Кўпчанга қараб оёқ узат» сингари, славянофилларнинг реакцион идеясини қисман ифодаловчи пьесалар ёзди. Илгари Островский рус савдогарларини ҳамда меҳнаткаш халқ ҳисобига яшаётган текинхўр элементларни аёвсиз танқид қилган бўлса, бу даврда яратган пьесаларида эса уларга хайриҳоҳлик билан қараб, ўз танқидини бироз юмшатишга ҳаракат қилди.

Бироқ, славянофилларнинг талантли драматург Островскийга бўлган зарарли таъсири узоққа чўзилмади. Чернишевский ва Некрасовлар томонидан қилинган ҳаққоний танқид туфайли Островский тўғри йўлга тушиб олди. 1850 йилларнинг ўрталарига бориб славянофиллар билан алоқасини бутунлай узади. Островский «Современник» ва «Отечественные записки» журналларида ўз асарларини чиқара бошлайди. 1859 йилда унинг «Даромадли жой» пьесаси нашр этилди. Пьесада ўша даврда ҳукм сурган юқори табақа вакилларининг бюрократлиги, подшо чиновникларининг ўтакетган порахўрлиги, уларнинг лаганбардор ва мансабпараст шахслар эканлиги яққол очиб берилади, подшолик тузумига хос бўлган барча ярамас иллатлар шафқатсиз фош қилинади.

А. Н. Островский ижодининг энг етук маҳсули, драматургга абадий шон-шуҳрат келтирган асар «Момақалдироқ» пьесасидир. 1859 йилда ёзиб тугалланган бу асар ўша даврнинг энг актуал темаларидан бирига — хотин-қизлар озодлиги масаласига бағишланган. «Момақалдироқ» пьесаси юксак бадиий маҳорат билан яратилганлиги, танқидий кучининг ғоят ўткирлиги жиҳатидан драматургнинг бошқа пьесаларидан бутунлай фарқ қилади ва алоҳида диққатга сазовордир. Бир-бирига тамоман қарама-қарши бўлган икки ижтимоий куч, яъни ҳаётда ўзининг заифлашиб бораётган социал мавқеини сақлаб қолишга интилган эски кучлар билан энди туғилиб, тобора мустаҳкамланиб бораётган ва инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиб чиққан янги кучлар ўртасидаги кескин кураш драманинг конфликтини ташкил этади.

Драматург Калинова шаҳрини нодонлик, жаҳолат, жабр-зулм остида қолган, қоронғи зулмат ичида ҳаёт кечираётган кишилари билан бирга тасвирлайди. Ёруғ дунёдан бутунлай ажралиб қолган бу шаҳарда Дикой ва Кабанихалар ҳукмронлик қилади, бу ерда зулм авж олган, инсон қадр-киммати оёқости қилинган.

«Момақалдироқ»да хотин-қизларни оила қуллигидан халос этиш, уларга тўла ҳуқуқ бериш масаласи ўртага қўйилади. Озодликка интилган, аммо эркинликка чиқиш йўлини топа олмай, ўзини қурбон қилишга мажбур бўлган минглаб хотин-қизларнинг қисмати драматург томонидан зўр пафос билан яратилган Катерина образида мужассамлашгандир. Катеринанинг ўлими жабр-зулмга асосланган тузумга қарши янги, эркин ҳаёт қуриш учун курашишга чақириқ бўлди.

Санъатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда катта роль ўйнашини яхши тушунган А. Н. Островский бу темага алоҳида эътибор билан қаради. «Сепсиз қиз», «Ўрмон» комедияларида драматургнинг санъат темасига мурожаат қилганлигини кўрамиз. Островский кенг меҳнаткашлар оммасига хизмат қилувчи чинакам санъат учун курашди. Унинг «Айбсиз айбдорлар», «Талантлар ва мухлислар» сингари пьесаларида буржуа жамиятида ҳақиқий санъаткорларнинг қадр-қиммати йўқлиги, уларнинг машаққатли турмуши тасвирланади, капитализм шароитида санъатнинг фақат тор доирадаги кишилар — юқори табақа вакилларининг кўнгил очиши учун хизмат қилиши танқид қилинади.

Островскийнинг бир қатор пьесалари тарихий темага бағишланганлиги. «Сохта Дмитрий ва Василий Шуйский», «Василиса Мелентьева», «Тушино» ва бошқа пьесаларида драматургнинг рус тарихини ўрганишга бўлган қизиқиши кўзга ташланади.

Рус адабиётининг фахри, талантли драматург А. Н. Островский пьесалари катта тарбиявий аҳамиятга эга. Кенг китобхонлар оммаси, шу жумладан ўзбек китобхонлари ҳам унинг ажойиб асарларини зўр ҳавас билан ўқийдилар ва тамоша қиладилар. Островскийнинг кўпгина пьесалари ўзбек саҳнасидан мустаҳкам ўрин олган.

Бугун совет кишилари А. Н. Островский туғилган кунининг 135 йиллигини нишонлар эканлар, атоқли драматург хотирасини яна бир карра ҳурмат билан эсга оладилар.

Темур РАСУЛЕВ,

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг аспиранти.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/IV да **Дилором.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Сатира, юмор ва қизиқчилар кечалари,** бербери арслонларини ўргатувчи **В. Денисов** гастроли ва Бурят-Мўғулистон АССРда хизмат кўрсатган артист **А. Галсанэ** раҳбарлигидаги **Бурят-мўғул аттракционининг** давоми. Тамоша кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Вақт борида.**

«ЕШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 ва кундуз 4 да **Еш гвардия** (1-серия), қолган сеансларда **Емирилган қалъа.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Емирилган қалъа,** кундуз соат 1-55 минут, кеч 5 ва 8-55 минутда **Вақт борида.**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА
15 ва 16 апрелда
Ўзбекистон ССР халқ артисти
МУКАРРАМА ТУРҒУНБОЕВА
ва Ўзбекистон халқ ҳофизи
МАЪМУРЖОН УЗОҚОВ

КОНЦЕРТИ

Концертда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Муҳамаджон Мирзаев,** солистлардан **Башорат Хўжаева, Муҳаббат Мусаева, Тўхта Рисметова** ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 8 ярим да бошланади. Билетлар кундуз соат 2 дан сотилади.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

„ЎЗБЕКИСТОН“
журнали

1958 йил июль ойидан бошлаб анча кенгайтирилган ҳажмда ва тўртта қўшимча рангдор саҳифалар билан чиқади.

Журнал республиканинг саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият соҳасида эришган ютуқларини кенг ёритади. Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарларидан парчалар, ҳикоялар, фельетонлар, шеърлар, сатира ва юморлар бериб боради.

Журналга доимий бўлимлар: «Фан ва техника», «Медицина янгиликлари», «Шахмат» ва бошқалар киритилади.

Журнал ўзбек ва рус тилларида босилади.

Ойлик ижтимоий-сиёсий ва адабий-бадиий «Ўзбекистон» журналига обуна бўлингиз! Обуна баҳоси: 6 ойга — 18 сўм, айрим сони — 3 сўм.

Обуна «Союзпечать» бўлимларида қабул қилинади.

Бирлашган нашриёт.
«Союзпечать» республика бўлими.

Вилоят кўчаси, Уфимский-проезд 15-уйда турувчи **Фарида Абдуллаевани**нг шу уйда турувчи Убай Абдуллаевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 6-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 136, Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими— 132. Секретариат — 115,50. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 00952. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № Б-450.